

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 119359 на приобретение Қорақалпоғистон Республикаси Қораузақ тумани Қутли макан, Ата макан, Қуралпа ва Есим ОФЙ худудидларида янги қурилган 60 ва 120 ўринли мактабгача таълим ташкилотини жихозлаш
ЛОТ-8

Способ проведения электронный

Дата 18.07.2022

Время рассмотрения 18.07.2022 17:46

Конкурсная комиссия Вилоят хокимлигининг Ягона буюртмачи инженеринг компанияси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	MATMUSAYEV DILSHOD MAXAMMATYUSUPOVICH	Директор	Наманган вилоят хокимлигининг ягона буюртмачи инженеринг компанияси
Секретарь комиссии	RIZAYEV G'OFIRJON G'ULOMJONOVICH	бош мутахасси	вилоят хокимлигининг ЯБИК
Член комиссии	DEDAKHANOV FARXOD BAXODIROVICH	Бош мутахассиси	Наманган вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси
Член комиссии	BOBOXONOV SARDOR ALISHER O'G'LI	бўлим бошлиғи	Наманган вилояти инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси
Член комиссии	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	бош мутахассиси	Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Наманган вилоят худудий бошқармаси
Член комиссии	ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICH	ўринбосар	Наманган вилоят қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 18.07.2022 года № лота 119359.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Холодильник бытовой
Подробное описание	Сифатли махсулот ўрнатиш
Количество товара	4.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	13 538 816.00
Стартовая сумма	54 155 264.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Утюги электрические бытовые
Подробное описание	Сифатли махсулот ўрнатиш
Количество товара	4.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	261 827.00
Стартовая сумма	1 047 308.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Электросковородка
Подробное описание	Сифатли махсулот ўрнатиш
Количество товара	4.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	14 888 491.00
Стартовая сумма	59 553 964.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Кипятильники погружные
Подробное описание	Сифатли махсулот ўрнатиш
Количество товара	4.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	4 478 261.00
Стартовая сумма	17 913 044.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Утюги электрические бытовые
Подробное описание	Сифатли махсулот ўрнатиш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	3 166 199.00
Стартовая сумма	3 166 199.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Декларация, Ташкилотнинг ташкилий структураси Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар 2-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Декларация, Ташкилотнинг ташкилий структураси Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар асословчи хужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUHAMMADALI SAVDO SANOAT SERVIS XK	15	мавжуд	12	Экспертная		
ZIYO MEBEL SANOAT MCHJ	15	мавжуд	2	Экспертная		

Критерий №2 Хужжатларни имзолаш ва танловда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ишончнома 8-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Хужжатларни имзолаш ва танловда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ишончнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUHAMMADALI SAVDO SANOAT SERVIS XK	2	мавжуд	2	Экспертная		
ZIYO MEBEL SANOAT MCHJ	2	мавжуд	2	Экспертная		

Критерий №3 Танловдаги объектга ўқшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдаги объектга ўқшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси асословчи хужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUHAMMADALI SAVDO SANOAT SERVIS XK	22	мавжуд	20	Экспертная		
ZIYO MEBEL SANOAT MCHJ	22	мавжуд	19	Экспертная		

Критерий №4 Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари 4-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари асословчи хужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUHAMMADALI SAVDO SANOAT SERVIS	15	мавжуд	13	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ХК						
ZIYO MEBEL SANOAT MCHJ	15	мавжуд	15	Экспертная		

Критерий №5 Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни куриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот 7-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни куриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUHAMMADALI SAVDO SANOAT SERVIS XK	5	мавжуд	5	Экспертная		
ZIYO MEBEL SANOAT MCHJ	5	мавжуд	4	Экспертная		

Критерий №6 Машина ва механизмлар рўйхати 6-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Машина ва механизмлар рўйхати асословчи хужжутлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUHAMMADALI SAVDO SANOAT SERVIS XK	21	мавжуд	11	Экспертная		
ZIYO MEBEL SANOAT MCHJ	21	мавжуд	11	Экспертная		

Критерий №7 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи 3-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи асословчи хужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUHAMMADALI SAVDO SANOAT SERVIS XK	20	мавжуд	20	Экспертная		
ZIYO MEBEL SANOAT MCHJ	20	мавжуд	18	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
MUHAMMADALI SAVDO SANOAT SERVIS XK	135 835 779.00	135 646 551.00 UZS	135 646 551.00	00.00	135 646 551.00	15.07.2022 11:36:35	10.00
ZIYO MEBEL SANOAT MCHJ	135 835 779.00	135 674 551.00 UZS	135 674 551.00	00.00	135 674 551.00	15.07.2022 14:56:13	10.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
MUHAMMADALI SAVDO SANOAT SERVIS XK	74.7	10	84.7
ZIYO MEBEL SANOAT MCHJ	63.9	10	73.9

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 119359 от 18.07.2022 года на приобретение Қорақалпоғистон Республикаси Қораузақ тумани Қутли макан, Ата макан, Қуралпа ва Есим ОҒИ худудидларида янги қурилган 60 ва 120 ўринли мактабгача таълим ташкилотини жиҳозлаш ЛОТ-8 определила победителем:


MUHAMMADALI SAVDO SANOAT SERVIS XK
304162760

и резервный исполнитель: ZIYO MEBEL SANOAT MCHJ (302839345)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	MATMUSAYEV DILSHOD MAXAMMATYUSUPOVICH	Согласен	
Член комиссии	DEDAXANOV FARXOD BAXODIROVICH	Согласен	
Член комиссии	BOBOXONOV SARDOR ALISHER O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	Согласен	
Член комиссии	ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИНИНГ
ЎРИНБОСАРИ**

Сана: 10.03.2022 й

№ 85-баён

**Д.Таджиходжаевга
Д.Магмусаевга**

Баённома қароринг тегиши бандларида
кўрсатиб ўтилган топириқлар ижросини таъминлаш
бўйича зарур чораларни кўриш учун

Муддат: 30.03.2022

С.Султанов



O`zbekiston Respublikasi
Namangan viloyati
НОКИМІ

Сана: 10.03.2022

85-баён

Т.Юсупов
С.Султанов
О.Инамов
А.Хакимов
Ғ.Муродхўжаев
Ж.Алойдинов
Б.Нуритдинов
М.Норханов (й)
А.Носиров (н)

Баённома қарорининг тегишли бандларида кўрсатиб
ўтилган топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича
зарур чораларни кўриш учун

Муддат: 30.03.2022

Ш.Абдуразаков

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
PREZIDENTI ADMINISTRATSİYASI
RAHBARI

NAZORAT

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Ариповга
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси
(Р.Гулямов, Т.Худайбергенов, А.Абдувахитов, Қ.Куранбаевга)
Вазирлар Маҳкамаси (А.Раматов, С.Умурзаков, Ж.Қўқоров,
Ш.Ғаниев, А.Абдуҳакимов, З.Маҳкамовага)
Ҳисоб палатаси (С.Саидкаримовга)
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси
(М.Камаловга), Вазирлар Кенгаши (Қ.Сариевга)
Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига
Марказий идоралар, вазирликлар, хўжалик бирлашмалари,
тижорат банклари раҳбарларига *(рўйхат бўйича)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил
23-24 февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикасига
ташрифи давомида берилган топшириқлар ва 25 февраль кuni
сектор раҳбарлари ҳамда фаоллар иштирокида ўтказилган
йиғилиш Баёни тўғрисида **Давлат Раҳбарига ахборот берилди.**

Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатаси раҳбариятига Баён
топшириқлари бажарилишини шахсан назоратга олиб, ижрочи
вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси, шаҳар ва
туманлар секторлари раҳбарлари иштирокида **мунтазам
равишда муҳокама қилиб бориш юзасидан кўрсатма берилди.**

Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, хўжалик
бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар
Кенгаши раҳбарларига Баён топшириқларининг ўз муддатида ва
сифатли ижросини таъминлаш учун **шахсан масъул
эканликлари кўрсатиб ўтилди ҳамда ўрнатилган тартибда
хар ойда ахборот бериб бориш топширилди.**

Ў.Жуманов, А.Раҳмоновга – назорат



З.Низомиддинов

2022 йил **07** март
№ 02-РА 1-3183

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг
2022 йил 23-24 февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи
давомида берилган топшириқлар ва 25 февраль кuni ўтказилган
16 - сонли йиғилиш баёни

Раислик қилувчи: **Ш.М. Мирзиёев – Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Қатнашганлар: Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси
раҳбари, Президент маслаҳатчилари ўринбосарлари,
Бош вазир ўринбосарлари, вазирликлар, идоралар,
хўжалик бирлашмалари ва тижорат банклари раҳбарлари,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ва унинг
ўринбосари, Вазирлар Кенгаши Раиси ва унинг
ўринбосарлари, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари,
Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва
идоралари, туман (шаҳар) ҳокимликлари ва секторлар
раҳбарлари *(рўйхат бўйича)*

КУН ТАРТИБИ:

**Қорақалпоғистон Республикасини жадал ижтимоий-иқтисодий
ривожлантириш, мавжуд муаммоларни тизimli ва тезкор хал этиш
чора-тадбирлари тўғрисида**

(Мирзиёев, Низомиддинов, Умурзаков, Қўқоров, Ғаниев, Худайбергенов, Раматов, Шин,
Бобожонов, Йўлдошев, Қудбиев, Захидов, Мусаев, Назарбеков, Ишметов, Куранбаев,
Сариев, Камалов)

Мамлакатимизда аҳоли ҳаётини яхшилаш, туб иқтисодий ислохотларни
амалга ошириш, ижтимоий соҳа, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация
инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг
кўламли ишлар натижасида барча ҳудудлар қатори Қорақалпоғистон
Республикасида ҳам қатор ижобий ўзгаришларга эришилмоқда.

Ўтган йили бўлиб ўтган сайловолди учрашувида Янги Ўзбекистонда Янги
Қорақалпоғистонни бунёд этиш бўйича белгилаб олинган юксак мақсад ва
вазифалар мамлакатимизнинг беш йиллик тараққиёт стратегиясида, 2022 йилги
“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” давлат дастурида, шунингдек
ишлаб чиқилаётган ҳудудий дастурда ўз ифодасини топган.

Ушбу беш йиллик режаларни жорий йилда амалга оширишни ташкил этиш
юзасидан ишлар бошлаб юборилган. Бу борада юзлаб янги ишлаб чиқариш
куватларини барпо этиш, мавжудларини технологик жиҳатдан янгилаш ва
кенгайтириш бўйича янги инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилиб, амалга
оширилмоқда.

Шунингдек, 2022 йилги давлат дастурига кўра 840 млрд.сўм марказлашган маблаглар ҳисобидан Қорақалпоғистонда жами 2 минг километр сув, йўл, газ, электр гармоқлари, 51 та мактаб, боғча, шифохона, маданият ва спорт объектларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш назарда тутилган.

Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йилда давлат бюджетидан Қорақалпоғистонга таълим, соғлиқни сақлаш, инфратузилма соҳалари учун қўшимча 545 миллиард сўм ажратиш ва бу ишларнинг манзилли дастурини шакллантириб, изчил амалга ошириш юзасидан топшириқлар берилди.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистоннинг 12 та шимолий тумани ва Нукус шаҳрига бириктирилган вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, маҳаллабай ишлаш, тадбиркорлик, ижтимоий соҳа ва инфратузилмани ривожлантириш масалалари бўйича амалий ёрдам бериш юзасидан кенг қўламли ишлар бошлаб юборилди.

Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан кун тартибдаги масалалар, жойлардаги ҳақиқий аҳвол билан танишиш якуналари, инвестиция лойиҳалари тақдими ҳамда аҳоли вакиллари ва фаоллар билан бўлган мулоқотлар давомида билдирилган таклифларни атрофлича муҳокама этиб, йиғилиш қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), прокуратура (Алламбергенов), Ички ишлар вазирлиги (Темирханов), Давлат солиқ бошқармаси (Бекчанов), Давлат хавфсизлик хизмати бошқармаси (Кудряшов) раҳбарларига шаҳар ва туманлар секторлари фаолияти қониқарсиз ташкил этилганлиги кўрсатиб ўтилсин.

2. Амударё (Йўлдашев), Беруний (Сапарбаев), Тўрткўл (Шамуратов), Эллиққалъа (Авезов), Шуманай (Янгибаев) туманлари ва Нукус шаҳри (Панаев) ҳокимлари маҳаллабай ишлаш орқали аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларни ҳал қилиш, ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари билан тизимли ишлашни ташкил этиш борасида масъулиятсизликка йўл қўйганликлари учун огоҳлантирилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси (Камалов), Вазирлар Кенгаши (Сариев) Нукус шаҳри, Амударё, Беруний, Тўрткўл, Эллиққалъа ва Шуманай туманлари ҳокимлари уч ой давомида янги маҳаллабай ишлаш тизимини самарали йўлга қўйиш орқали аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш, ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчиларига зарур қўмак бериш борасида ўзи ишида ижобий ўзгаришларни таъминламаса, уларнинг эгаллаб турган вазифасига лойиқлиги масаласи юзасидан;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Сариев **бир ой** муддатда ўз ўринбосарларининг зиммасига юклатилган вазифаларни муддатда ва сифатли ижро этишини атрофлича ўрганиб чиқиб, уларнинг эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги масаласи бўйича;

Давлат солиқ қўмитаси (Кудбиев) ўз ўринбосарларидан бирини Қорақалпоғистон Республикасига доимий равишда бириктириб, **уч ой** муддатда ҳудудда солиқ идоралари ишни “намунали” даражада ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Бекчанов **олти ой** муддатда ўз иш фаолиятида кескин ижобий ўзгаришларни таъминламаса, унинг эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги масаласи юзасидан таклиф киритсин.

Бош прокуратура (Йўлдошев), Ички ишлар вазирлиги (Бобожонов), Давлат солиқ қўмитаси (Кудбиев) **бир ой** муддатда Қорақалпоғистон Республикасидаги шаҳар ва туманлар секторлари раҳбарларининг иш фаолиятини ўрганиб чиқиб, уларнинг масъулиятини ошириш ва фаолиятини самарали ташкил этиш чораларини кўрсин, зарур бўлса, эгаллаб турган лавозимига нолайиқ бўлган раҳбарларни лавозимидан озод этсин.

4. Қорақалпоғистон Республикасига ташриф давомида берилган топшириқлар ижросини мувофиқлаштириб бориш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари У.С.Исмаилов раҳбарлигида Ишчи гуруҳи ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Бош вазир ўринбосарлари (Раматов, Қўчқоров, Умурзаков, Ғаниев, Абдуҳакимов) Ишчи гуруҳига бириктирилган, тегишли комплекслар таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг раҳбар ва масъул ходимларини Ишчи гуруҳи ишида фаол иштирок этишини таъминласин.

5. Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикасидаги ўзларига бириктирилган шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда **бир ҳафта** муддатда 2022 йилда амалга ошириладиган ишлар бўйича “Йўл харита”ларини ишлаб чиқиб, Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Сариев билан келишган ҳолда, тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари иштирокида тегишли шаҳар ва туманлар Халқ депутатлари Кенгашлари сессияларини ўтказган ҳолда, амалга ошириладиган ишлар ва лойиҳаларни ўз ичига олган “Йўл харита”лари муҳокама этилишини ташкил этсин ҳамда уларнинг ижросини мунтазам равишда шаҳар ва туманлар Халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида муҳокама қилиб борилишини таъминласин.

Бош прокуратура (Йўлдошев), Ҳисоб палатаси (Турабов) мазкур тасдиқланган “Йўл харита”ларининг ижросини алоҳида назоратга олсин ва ҳар ой якуни билан ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб бурсин.

6. Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманларидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачи вазифаси маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлиши.

I. Худудларни комплекс ривожлантириш ва коммуникациялар масалалари бўйича

7. Давлат бюджетига Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун назарда тутилган маблағлар доирасида, Қорақалпоғистон Республикаси худудида ижтимоий ва инфратузилма объектлари учун ажратиладиган 545 млрд.сўм маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган қурилиш-тиклаш ишларининг манзилли рўйхати 1, 1.1, 1.2, 1.3, 1.4, 1.5-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда жорий йилда Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий соҳа ва инфратузилмани яхшилаш учун яна қўшимча 500 млрд.сўм йўналтириш чораларини кўрсин.

8. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Нукус шаҳар ҳокимлиги (Панаев) Нукус шаҳридаги 7 та (“Коскўл”, “Қумовул”, “Бўзовул”, “Қизил қум”, “Қутли макон”, “Телеорай”, “Жекетерек”) МФЙларини “Чимбой гузари” маҳалласи намунасида обод маҳаллага айлантириш бўйича бир ҳафта муддатда “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб, тасдиқласин ва 2022 йил 1 сентябрга қадар барча ишларни якунига етказилишини таъминласин.

Молия вазирлиги (Ишметов) икки ҳафта муддатда Нукус шаҳридаги “Коскўл”, “Қумовул”, “Бўзовул”, “Қизил қум”, “Қутли макон”, “Телеорай”, “Жекетерек” МФЙларини “Чимбой гузари” маҳалласи намунасида обод маҳаллага айлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикасига ажратиладиган 545 млрд.сўм маблағлар доирасида, 75 млрд.сўмни Нукус шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ҳисоб рақамига ҳамда 10 млрд.сўмни мазкур маҳаллаларда иш жойлари барпо этиш учун ўтказиб берилишини таъминласин.

Бунда, Нукус шаҳридаги 7 та оғир маҳаллаларнинг ичимлик сув таъминоти, электр энергияси, табиий газ тармоқларини ҳамда ички йўлларини таъмирлаш ишларига буюртмачи ва пудратчи этиб – тегишлилигича, “Қорақалпоқ сув таъминоти” МЧЖ, “Қорақалпоқ худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ, “Худудгаз Қорақалпоғистон” газ таъминоти филиали ва Нукус шаҳри ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси белгилансин.

9. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Қурилиш вазирлиги (Захиров), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артикходжаев) Нукус шаҳрида “Нукус СИТИ” лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштирсин.

Бунда, жорий йилда 10 та 16 қаватли кўп квартирали уй-жойлар қурилишини якунига етказиш назарда тутилсин.

Марказий банк (Захидов) тижорат банклари билан биргаликда бир ҳафта муддатда 10 та 16 қаватли кўп квартирали уй-жойлар ҳамда “Экобозор” қурилиши учун “КК Раси бетон” МЧЖга ҳамда “Уй-жой қурилиш” МЧЖга мақбул даражада кредитлар ажратиш учун тижорат банкларини бириктирсин ҳамда жорий йил давомида зурур бўлган кредит маблағлари ажратилишини мувофиқлаштирсин ва назоратга олсин.

Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов “Нукус СИТИ” лойиҳаси амалга оширилишига шахсан масъул этиб белгилансин ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан зурур чораларни кўриб борсин.

10. Транспорт вазирлиги (Маҳкамов):

2022 йил Наврўз байрами арафасида “Тошкент-Нукус-Мўйноқ” ҳамда “Мўйноқ-Нукус-Тошкент” йўналиши бўйича биринчи авиакатновнинг амалга оширилишини ташкил қилсин;

Туризм ва маданий мерос вазирлиги (Абдухакимов) билан биргаликда икки ҳафта муддатда Мўйноқ туманига доимий авиакатновларни йўлга қўйиш бўйича ўрганиш ишларини олиб борсин ва натижаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин;

Туризм ва маданий мерос вазирлиги (Абдухакимов), Халқ таълими вазирлиги (Саидов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Тошқулов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари билан биргаликда Мўйноқ аэропортининг мунтазам ишлашини таъминлаш мақсадида, туристлар оқими камайган мавсумда ўқувчи-талабалар ва корхоналар ходимлари ташрифини ташкил этсин.

11. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Бакиров) тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

жорий йил якунига қадар “Мўйноқ” аэропорти атрофини “яшил майдон”га айлантириш чораларини кўрсин;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг чўлланишга қарши курашиш Конвенциясининг Томонлар Конференциясини (COP16) Мўйноқ туманида ўтказилишини ташкил этсин.

12. “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров) жорий йилнинг 1 августига қадар Жаҳон банки билан биргаликда амалга оширилаётган қиймати 78 млн.доллар бўлган “Нукус шаҳри ҳамда Тахнатош ва Хўжайли туманлари марказларида канализация тармоқларини қуриш” лойиҳаси бўйича техник-иқтисодий асосни ишлаб чиқишни якунлаб, 2023 йилнинг 1-ярим йиллигида қурилиш ишларини бошласин.

13. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов), “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун

назарда тутилган маблағлар ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикасига ажратиладиган 545 млрд.сўм доирасида, 10 млрд.сўмни Нукус шаҳри ичимлик сув тозалаш иншоотини реконструкция қилишга йўналтирилишини таъминласин ва **жорий йил якунига қадар** ишларни якунласин.

14. “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Давлат геология кўмитаси (Исламов) билан биргаликда **бир ой муддатда** марказлашган ичимлик суви етиб бормаган 208 та маҳалланинг ҳар бирини тўлик хатловдан ўтказиб, қайси маҳаллага марказлашган тармоқ тортиш, қайси бирида қудук қазииш ёки 25-50 тонналик сув сақлаш иншооти барпо этиш бўйича аниқ “Йўл харита”ни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин ва “йўл харитаси”га асосан ижросини ташкил этсин.

15. “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (Вафаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) Нукус, Беруний, Мўйнок, Қўнғирот, Қораўзак ва Амударё туманлари ичимлик сув тизимини яхшилашга доир, қиймати 172 млн.доллар бўлган Осие тараққиёт банки иштирокидаги йирик лойиҳа бўйича қурилиш ишларини тезлаштириб, **2024 йилда** якунлаш чораларини кўрсин.

16. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артиқходжаев), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов) Нукус шаҳрида коммунал хўжалиги ва кўп қаватли уйлارни бошқариш тизимини “Тошкент шаҳри тажрибаси” асосида ташкил этсин.

17. Автомобиль йўллари кўмитаси (Абдувалиев), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (Вафаев) **бир ой муддатда** А-380 “Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу” автомобиль йўлининг 25 км узунлиқдаги 673-698 км оралигини реконструкция қилиш ишларини 2023 йилдан 2022 йилга ўтказиш бўйича Осие тараққиёт банкига мурожаат юборилишини таъминласин.

18. Молия вазирлиги (Ишметов) Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туман ҳокимликлари тасарруфидаги ички хўжалик автомобиль йўлларини эксперимент тариқасида сақлаш ва таъмирлаш мақсадида шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурдаги ободонлаштириш бошқармаларига зарур бўлган махсус техникаларни олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига 2 йил муддатга 48 млрд.сўм бюджет ссудаси ажратилишини таъминласин.

19. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси (Обломуратов), Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси (Бакиров), Инновацион ривожланиш вазирлиги (Абдурахманов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, ветеринария ва чорвачилик соҳалари бўйича олимлар ва мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда, **уч ой муддатда** Орол денгизининг қуриган тубида яшил қопламаларни янада кенгайтириш, шўрга ва сувсизликка чидамли озубабоп ўсимликларни етиштириш, чорвачиликни ривожлантириш ва унинг озуқа базасини яхшилаш, инновацияларни кенг жорий этишни назарда тутувчи **2022-2026 йилларга мўлжалланган миллий дастур** лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

20. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси (Обломуратов) Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси (Бакиров), Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитаси (Шарипов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) билан биргаликда **икки ой муддатда** Қўнғирот туманида “Борсақелмас” давлат буюртма кўриқхонасини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

21. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси (Обломуратов), “Иссиқлик электр станциялари” АЖ (Абдурахмонов) “Тахиатош ИЭС” АЖ, “Тўрақўрғон ИЭС” АЖ ва “Ғолимаржон ИЭС” АЖларининг атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбаларидан намуна олиш ва таҳлил қилиш бўйича ўрнатган автоматик станцияларини ҳамда аҳоли пунктларига туташ худудлардаги стационар кузатиш пунктларини **жорий йил 1 сентябрга қадар** ягона геоахборот маълумотлар базасига интеграция қилинишини таъминласин.

22. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Савдо-саноат палатаси (Мамажонов), Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси (Обломуратов) “Қорақалпоқцемент” МЧЖ ва “Титан” МЧЖ қўшма корхоналари томонидан атмосфера ҳавосининг ифлослантириш манбаларидан намуна олиш ва таҳлил қилиш бўйича ўз маблағлари ҳисобидан бир дондан автоматик ва масофадан кузатиш қурилмалари билан жиҳозлаш ишларини **2022 йил якунига қадар** ўрнатиш чораларини кўрсин.

23. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси (Обломуратов) **жорий йил якунига қадар** Нукус шаҳар, “Бестобе” МФЙ худудида жойлашган 50 га майдондаги ҳамда Тахиатош тумани “Найманқўл” ОФЙ худудида жойлашган 11 га майдондаги санитар-экологик меъёрий талабларга мулақо жавоб бермайдиган маиший чикинди полигонларини ёпиш чораларини кўрсин.

Бунда:

полигонларни белгиланган меъёрлар асосида рекультивация қилиш, устини тупроқ қатлами билан ёпиш ва ер захирасига топшириш;

Нукус шаҳрида ҳосил бўладиган маиший чикиндиларни жойлаштириш учун белгиланган меъёрий талаблар асосида ер майдони ажратиш ва полигонни барпо қилиш;

Тахиатош туманида ҳосил бўлган маиший чикиндиларни Хўжайли тумани “Жана жам” МФЙ худудида жойлашган чикинди полигонига жойлаштириш ишлари ташкил этилсин.

24. Адлия вазирлиги (Давлетов):

бир ҳафта муддатда Тўртқўл тумани Давлат хизматлари маркази биносини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилиш ишларини якунига етказиш мақсадида инвестор – “Mustafa farm” МЧЖга бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бир йил муддатга 1 млрд.сўм миқдорида фондсиз ссуда ажратсин;

икки ой муддатда Тўртқўл тумани Давлат хизматлари маркази биносининг қурилиш ишларини якунлаш чораларини кўрсин.

II. Инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича

25. Қорақалпоғистон Республикасида 2022-2023 йилларда амалга ошириладиган саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг туман(шаҳар)лар ва тижорат банклари кесимидаги йиғма жадвали **2 ва 2а-иловаларга**, манзилли рўйхати **3-19-иловаларга** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларига бириктирилган вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ташаббуси билан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати **20-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

26. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Рустамов):

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ҳамда тижорат банклари билан биргаликда **икки ҳафта** муддатда 3-19-иловаларга мувофиқ;

Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ҳамда тижорат банклари билан биргаликда **бир ой** муддатда 20-иловага мувофиқ инвестиция лойиҳаларининг тармок жадвалларини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

27. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Тешабаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари билан биргаликда **икки ҳафта** муддатда **21-иловага** мувофиқ киймати 3,1 млрд.долларлик 25 та йирик инвестиция лойиҳа таклифларини амалга ошириш бўйича **“Йўл харита”**ларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига киритсин.

28. Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков, Спортни ривожлантириш вазирлиги (Икрамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманларига бириктирилган вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **жорий йил якунига қадар** маҳаллаларда 180 та спорт майдончалари ва унинг атрофида кичик хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

29. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов) Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманлари ҳокимлари билан биргаликда **бир ҳафта** муддатда жорий йилда 850 млн.долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

30. Фармацевтика тармогини ривожлантириш агентлиги (Кариев), Андижон вилояти ҳокимлиги (Абдурахманов) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов) билан биргаликда **бир ой** муддатда Қорақалпоғистон Республикасида фармацевтика соҳасини ривожлантириш бўйича янги инвестиция лойиҳаларини шакллантириб, 2022-2023 йилларда уларни ишга тушириш чораларини кўрсин.

31. Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов) **икки ой** муддатда Беруний ва Мўйноқ туманлари ҳокимларини тадбиркорликни ривожлантириш, худуднинг салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда истиқболли йирик инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва бошқа соҳалар бўйича қисқа муддатли курс асосида ўқитиш ва малакасини ошириш чораларини кўрсин.

32. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артикходжаев) **бир ой** муддатда “Нукус” эркин иқтисодий зонаси худудидаги 30 гектар ер майдонида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган Технопарк ташкил этиш юзасидан тегишли қарор лойиҳасини тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда:

тижорат банклари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артикходжаев) иқтисодий фаол, салоҳиятли ишлаб чиқарувчи корхоналарни жалб қилишга масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси (Назиров) ҳамда тижорат банклари иштироки назарда тутилсин.

33. Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Холхўжаев), Адлия вазирлиги (Давлетов) **икки ой** муддатда Амударё, Беруний, Тўртқўл ва Эллиққалъа туманларида саноатни ривожлантириш ҳамда инвестиция лойиҳаларини инфраструктура билан таъминлаш мақсадида махсус жамғарма ташкил қилиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

34. Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов) Адлия вазирлиги (Давлетов), Туризм ва маданий мерос вазирлиги (Азамов) билан биргаликда **бир ой** муддатда Мўйноқ туманида **“Тавакқалчиликка асосланган ўйинларга ихтисослаштирилган махсус кўнгилочар туристик зона”**ни ташкил этиш ҳамда лоторея ўйинлари ўтказиш тартиби ва механизмларини такомиллаштириш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

35. Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Наманган вилояти ҳокимлиги (Абдуразаков), Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Турдимов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артикходжаев) билан биргаликда **2022 йил март ойида Наманган шаҳри, Тошкент шаҳри ва Ургут туманидаги кичик**

саноат зоналарида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг тегишли ўринбосарлари ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимлари бошчилигида тадбиркорларга кўрсатиш, ўргатиш ва тажриба алмашишини ташкил қилсин.

36. Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков, Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артикходжаев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) билан биргаликда **бир ой** муддатда Нукус шаҳрида саноатни ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”ни тасдиқласин ва ижросини таъминласин.

37. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) **уч ой** муддатда Беруний туманида Ургут эркин иқтисодий зонаси филиалини ташкил этиш чораларини кўрсин.

38. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (Абдурахманов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев), “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (Юнусов), “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси (Баходиров), “Ўзчармсаноат” уюшмаси (Бобоев), “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси (Хайдаров), Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев), “Ўзкимёсаноат” АЖ (Мирзамахмудов), “Ўзбекнефтгаз” АЖ (Абдуллаев), Савдо-саноат палатаси (Джасимов) Қорақалпоғистон Республикасидаги “Ситуацион марказ”да доимий фаолият юритиши учун бошқарма бошлиғи даражасида биттадан масъул ходимларини бириктирсин.

Барча туман (шаҳар) ва ҳудудий лойиҳа гуруҳларига бириктирилган вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмалари ходимлари доимий равишда “ягона дарча” асосида биргаликда фаолият кўрсатишлари таъминлансин.

39. Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда **жорий йил якунига қадар** Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудлари марказларида Қорақалпоғистон Республикаси тажрибаси асосида “Ситуацион марказ”лар ташкил қилиш чораларини кўрсин.

Бунда, “Ситуацион марказ”лар, шу жумладан лойиҳа гуруҳлари, тадбиркорларга тезкор ёрдам кўрсатиш гуруҳлари, стратегик ривожланиш гуруҳлари ва тадбиркорлар кенгашларининг самарали фаолият юритиши учун зарур бўлган моддий-техника базаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан таъминланиши белгилаб қўйилсин.

40. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманлари ҳокимлари:

бир ҳафта муддатда лойиҳа гуруҳларининг 2022 йилги Иш режаларини тасдиқласин ва лойиҳа таклифлари портфелларини тизимли шакллантириб боришни йўлга қўйсин;

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий лойиҳа гуруҳи ҳамда шаҳар ва туман лойиҳа гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

41. Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков, Стратегик ривожлантириш агентлиги (Кудратов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Тешабаев) **икки ҳафта** муддатда “Ситуацион марказ”лар, шу жумладан лойиҳа гуруҳлари, тадбиркорларга тезкор ёрдам кўрсатиш гуруҳлари, стратегик ривожланиш гуруҳлари фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

42. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Абидов, Вафаев):

2022 йил якунига қадар Ташқи ишлар вазирлиги (Камилов), Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Обломуродов), Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда донор давлатлар, халқаро жамғармалар, молия институтлари, хайрия жамғармалари ва бошқа хорижий ҳамкорларнинг 210,3 млн.доллар маблағларини Оролбўйи минтақасини барқарор ривожлантириш лойиҳаларига жалб қилиш чораларини кўрсин;

Молия вазирлиги (Ишметов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Хоразм вилояти ҳокимлиги (Эрмонов) билан биргаликда **бир ой** муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оролбўйи минтақасида тадбиркорликни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 23 ноябрдаги ПФ-25-сон Фармони билан Хоразм вилоятининг Тупроққалъа, Янгиариқ, Янгибозор туманларига берилган имтиёزلарни Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг шаҳар ва туманларига тадбир қилиш масаласини ўрганиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

43. Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Кудратов, Абидов) мутасадди вазирликлар ва идоралар билан биргаликда **жорий йил сентябрь** ойида Қорақалпоғистон Республикасида “Оролбўйи халқаро форуми”ни юқори даражада ўтказиш чораларини кўрсин.

44. Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков, Инновацион ривожланиш вазирлиги (Абдурахмонов) **бир ой** муддатда инновациялар ва технологиялар соҳасида Эрон давлатининг тажрибасини ўрганган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони лойиҳасига киритиш учун тегишли таклифларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

45. Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков Инновацион ривожланиш вазирлиги (Абдурахмонов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Обломуродов), Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда **икки ой** муддатда Оролбўйи иклимидан келиб чиққан ҳолда, шўрга ва сувсизликка чидамли озуқабоп ўсимликлар навларини кўпайтириш, сув тежовчи, тупроқдаги туз микдорини камайтирадиган технологияларни жорий этиш ҳамда чўл шароитида ўсувчи, кам сув талаб қиладиган ўсимликлар навларини яратиш бўйича Эрон, Хитой ва бошқа давлатлар тажрибасини ўрганиш учун ишчи гуруҳларни ушбу давлатларга хизмат сафарига юбориш чораларини кўрсин, хизмат сафари якунлари бўйича асосланган таклифларни ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

46. Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков, “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси (Раҳматов) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов) билан биргаликда **бир ой муддатда** пахта-тўқимачилик кластерлари инвестиция фаолиятини тартибга солиш ва улар томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларни мониторинг қилишни йўлга қўйиш бўйича таклиф ишлаб чиқсин.

Бунда, пахта-тўқимачилик кластерини ташкил қилиш бўйича битимни имзолашда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигини томонлардан бири этиб белгилаш назарда тутилсин.

47. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси (Раҳматов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев) Туркия сармоясига асосида ташкил этилган “Дениз Текс” МЧЖ хорижий корхонаси томонидан қиймати 100 млн.долларлик пахта-тўқимачилик кластери лойиҳаси амалга оширилишини инобатга олиб, **бир ой муддатда** кластер фаолиятини ташкил этиш учун 10 минг гектар янги ўзлаштириладиган қишлоқ хўжалиги ерларини бириктириб бериш чораларини кўрсин.

48. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси (Хайдаров) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), “Ўзмиллийбанк” АЖ (Мирсоатов) билан биргаликда **икки ҳафта муддатда** “Шуманай эко текс” МЧЖ негизда 2022-2023 йилларда трикотаж мато ишлаб чиқариш ва матони бўяш лойиҳасини амалга ошириш бўйича “**йўл харитаси**”ни ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

Бош вазир ўринбосари Ш.Ғаниев Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси (Хайдаров), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев), “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси (Раҳматов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов) билан биргаликда **икки ҳафта муддатда** “Шуманай эко текс” МЧЖ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманида пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини йўлга қўйиш бўйича таклиф киритсин.

49. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Худайбергенов) Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманларига бириктирилган вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **бир ой муддатда** биноси мавжуд бўлмаган 70 та маҳалла (овул) фуқаролар йиғинларини бино билан таъминлаш ҳамда 65 та маҳаллалар биноларини капитал таъмирлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

50. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), Тўғридан-тўғри инвестициялар жамгармаси (Назиров)нинг:

Нукус шаҳрида “Orient Technology” МЧЖ томонидан 4,5 млн.долларлик “Чармдан махсус пойабзал ишлаб чиқариш кластерини ташкил этиш” лойиҳаси;

Нукус шаҳрида “Есо Company” МЧЖ томонидан 5 млн.долларлик “Сувни тозалаш ва деминерализациялаш инновацион ускуналари ва насослар ишлаб чиқариш” лойиҳаси;

Эзликқалъа туманида “Tuproqqa Tur” МЧЖ томонидан 10 млн.долларлик “Ақчақўл бўйида эко-этно археологик туризм мажмуасини ташкил этиш” лойиҳаси;

Тўрткўл туманида “Milliy Sanoat Holding” МЧЖ томонидан 10 млн.долларлик “Ўрта ва кичик бизнес учун замонавий саноат зонасини ташкил этиш” лойиҳаларини ўрганиб чиқиб, молиялаштириш бўйича **икки ой муддатда** Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

51. Қурилиш вазирлиги (Закиров) “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси (Баходиров) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Хоразм вилояти ҳокимлиги (Эрмонов) билан биргаликда **бир ой муддатда** уй-жойлар таннархини арзонлаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудларидаги силикат ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар қувватларидан самарали фойдаланиш юзасидан таклиф киритсин.

52. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Абидов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (Абдурахмонов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) билан биргаликда:

бир ой муддатда электромобилларни қувватлантириш ҳамда уларга сервис хизматларини кўрсатиш шохобчаларини ташкил қилиш бўйича манзилли рўйхатни ишлаб чиқиб, тасдиқласин ва тадбиркорларни жалб қилган ҳолда белгиланган муддатларда ташкил қилинишини таъминласин;

жорий йил якунига қадар чоксиз шикастланишларга қарши қоплама, сўриладиган ва сўрилмайдиган иплар ассортиментида жаррохлик, стерил, чок материалларини ҳамда плазмаферез учун инновацион хом ашёлар ишлаб чиқариш лойиҳаларини ишга туширилишини таъминласин.

III. Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича

53. Бош вазир ўринбосари Ш.Ғаниев комплекс таркибидаги вазирликлар ва идоралар билан бирга **жорий йилда** қиймати 1,5 трлн.сўмлик 232 та лойиҳани амалга ошириб, 5 мингта янги ва 78 мингта мавсумий иш ўринлари яратилишини таъминласин.

54. Бош вазир ўринбосари Ш.Ғаниев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев), вилоятлар ҳокимликлари фойдаланишдан чиқиб кетган ерларнинг жорий йилда 37 минг гектарини, жумладан вилоятлардан келган тадбиркорлар томонидан 25 минг гектар ер майдонларини қайта ўзлаштириш ишларини ташкил этсин.

Вилоятлар ҳокимликлари **2022-2024 йилларда** жами 92,2 минг гектар, жумладан, Андижон вилояти Кегейли туманида 7,2 минг гектар, Бухоро вилояти Хўжайли туманида 2,6 минг гектар, Жиззах вилояти Тахтақўпир туманида 10 минг гектар, Қашқадарё вилояти Қўнғирот туманида 9,4 минг гектар, Навоий вилояти Чимбой туманида 10,2 минг гектар, Наманган вилояти Қораўзақ туманида

10,1 минг гектар, Самарқанд вилояти Нукус туманида 9,9 минг гектар, Сирдарё вилояти Қонликўл туманида 9,7 минг гектар, Тошкент вилояти Мўйнок туманида 5 минг гектар, Фарғона вилояти Бўзатов туманида 9,5 минг гектар ва Хоразм вилояти Шуманай туманида 8,6 минг гектар ер майдонларини фойдаланишга киритиш чораларини кўрсин.

55. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Давлат активларини бошқариш агентлиги (Ортиқов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Хаитов) билан биргаликда пахта ва ғалла ҳамда бошқа экин майдонлари ҳисобидан 8 минг гектарни лотларга ажратган ҳолда **икки ой муддатда** “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”даги эҳтиёжманд аҳолига деҳқончилик қилиш учун шаффоф механизм асосида ажратилишини ташкил қилсин.

56. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) **жорий йил октябрь ойига қадар** Қорақалпоғистон Республикаси агрохизматлар марказини ташкил этиш мақсадида ажратилган бинони таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тендер савдоларини ўтказиш чораларини кўрсин.

Молия вазирлиги (Ишметов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев) билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Жаҳон банкнинг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасининг 65 млн.доллар миқдоридagi маблағлари ҳисобидан “Uzagrologistics Centers” МЧЖ ва хусусий секторни жалб этган ҳолда тўғридан-тўғри лойиҳани молиялаштириш ва тайёр ҳолда топшириш шартлари асосида кичик агрологистика марказларини барпо этиш чораларини кўрсин.

Бунда, Молия вазирлиги (Ишметов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев) ва “Uzagrologistics Centers” МЧЖ билан бирга хусусий секторни жалб қилган ҳолда кичик агрологистика марказларини барпо этиш тартибининг **бир ҳафта** муддатда тасдиқласин.

57. Сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), туманлар ҳокимлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари раҳбарлари 2022 йилда пахта майдонларининг 12,2 минг гектарида томчилатиб ва ғалла майдонларининг 1,9 минг гектарида ёмғирлатиб суғориш технологияларини жорий этиш ҳамда чигит экиладиган майдонларнинг 29,5 минг гектарида лазерли текислаш ишларини амалга ошириш ҳисобига, ҳосилдорликни пахтада камида 30 центнер ва ғаллада 55 центнерга етказишни таъминласин.

58. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), туманлар ҳокимлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари раҳбарлари **жорий йил 20 августга қадар** 183 дона пахта териш машиналарини харид қилиб, теримнинг механизация даражасини 27 фоизга етказиш чораларини кўрсин.

59. Бош вазир ўринбосари Ш.Ғаниев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев) **жорий йил 1 апрелга қадар** жами 28,5 минг гектар асосий майдонларга экиладиган шоланинг 5 минг гектарини 10 минг нафар эҳтиёжманд (темир дафтар, аёллар дафтари, ёшлар дафтарига киритилган) аҳолига ажратиб бериш, 28,5 минг гектар асосий шол майдонларини лазерли ер текислагичлар билан текислаш, 5 минг гектарини замонавий сеялқалар ёрдамида куруққа экиш ишларини ташкил қилсин.

Бунинг учун, хорижий давлатлардан (Филлипиндаги Халқаро шолчилик маркази ва Вьетнамдан) шоланинг юқори ҳосилдор дурағайларини синов тариқасида олиб келиб, маҳаллий тупроқ-иклим шароитларига мос гибрид шол навларини танлаб олиш ва келгусида майдонини кенгайтириш чораларини кўрсин.

60. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев) Боғдорчилик ва иссиқхоналарни ривожлантириш агентлиги (Каримов), Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (Бобоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажмини 1,5 баробарга ошириш мақсадида:

жорий йил 1 декабрга қадар 2 минг гектар янги мевали боғларни барпо этиб, уларнинг майдонини 1,5 бараварга ошириш ҳамда 2,4 минг гектар тоқзорларни ташкил этиб, 4 минг гектарга етказиш;

2022 йил якунига қадар 12 та мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини йўлга қўйиб, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳажмини 2 баробарга кўпайтириш;

вилоятлардан жалб қилинган тадбиркорлар томонидан **2022-2023 йилларда** Хўжайли туманида 84 гектар, Тахياتош туманида 30 гектар, Шуманай туманида 20 гектар, Бўзатов туманида 15 гектар, Кегейли туманида 10 гектар, Тахтакўпир, Чимбой ва Қўнғирот туманларида 1 гектардан замонавий иссиқхоналарни ишга тушириш чораларини кўрсин.

61. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Навоий вилояти ҳокимлиги (Турсунов) сабзавот, полиз ва картошка уруғчиликни ривожлантириш, тупроқ-иклим шароитига мос нав ва дурағайлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчилик кластерлари, фермер хўжаликлари ва аҳоли томорқаларига юқори ҳосилли уруғликлар етказиб бериш мақсадида **икки ой муддатда** Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг илмий-тажриба станцияларини Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманида ҳамда Навоий вилояти Қизилтепа туманида ташкил этиб, зарур бўлган экин ер майдонлари ва биноларни белгиланган тартибда ажратиш юзасидан тегишли чораларни кўрсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев) **бир ой** муддатда Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон Республикаси Нукус ҳамда Навоий вилояти Қизилтепа туманларида илмий-тажриба станцияларини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарор лойиҳасининг ишлаб чиқиш, тасдиқлаш учун киритсин.

62. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев), Адлия вазирлиги (Давлетов), Давлат солиқ кўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги (Абдуллаев). Давлат активларини бошқариш агентлиги (Ортиқов) мутасадди вазирлик, идоралар билан биргаликда **ўн кун муддатда** Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий (Бўзатов, Қораўзак, Кегейли, Қўнғирот, Қонликўл, Мўйнок, Нукус, Тахиатош, Тахтақўшир, Хўжайли, Чимбой, Шуманай) туманларида **2025 йил 1 январга қадар** қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган ҳамда янги ўзлаштирилаётган ерларни қишлоқ хўжалиги ерларини ижарага бериш тартиби асосида жисмоний ва юридик шахсларга 30 йил муддатга очик электрон танлов орқали ижарага бериш, бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини сотишда қўшимча энгилликлар беришни назарда тутувчи тегишли қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда хусусан:

талабгорнинг кредит тарихи, мутахассислиги, аграр соҳадаги иш стажи талаб этилмаслиги ва ушбу мезонлар бўйича балл қўйилмаслиги;

очик электрон танлов эълон берилган кундан бошлаб 15 календарь ва такрорий танлов 5 календарь кундан кейин ўтказилиши;

давлат кўчмас мулк объектларини аукцион савдоларига чиқаришда уларнинг бошланғич нархи баҳоланган қийматнинг 50 фоизи миқдориди (бунда, объектнинг баланс қийматидан кам бўлмаган ҳолда) белгилаш;

аукцион савдоларида давлат кўчмас мулк объектларининг сотилган нархи 5 млрд.сўмгача бўлса – уч йил, 5 млрд.сўмдан ортиқ бўлса – беш йил муддатда харидорларга харид тўловларини бўлиб тўлаш имкониятини бериш;

аукцион савдоларида сотилган давлат кўчмас мулк объектлари бўйича тузилган олди-сотди шартномаларига мувофиқ тўловлар икки ой ичида тўлиқ тўланганда шартнома қийматининг 20 фоизига тенг чегирма бериш кўзда тутилсин.

63. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Хаитов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) **жорий йил 1 августга қадар** Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 30 млрд.сўм ажратиб, Амударё, Тўртқўл, Беруний ва Эллиққалъа туманларининг ҳар бирида камида 1 000 та аҳоли хонадонларида ихчам иссиқхоналар қурилишини ташкил этсин.

64. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш давлат кўмитаси (Норқобилов), Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитаси (Шарипов), “Ўзбекчорванасл” агентлиги (Атамурадов), “Паррандасаноат” уюшмаси (Исаев), Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси (Бахриддинов), Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (Убайдуллаев) тегишли тижорат банклари билан биргаликда:

чорвачилиқ тармоқларини ривожлантириш бўйича жами 230 млрд.сўмлик 135 та лойиҳани ишга тушириш юзасидан тармоқ жадвалларини **бир ҳафта** муддатда тасдиқлаб, ижросини таъминласин;

жорий йил якунига қадар 9 та пахта-тўқимачилиқ, галлачилик ва шоличилик кластерлари томонидан камида 500-1000 бошгача мўлжалланган чорвачилиқ комплекслари ташкил этилишини таъминласин;

жорий йилда чорвачилиққа ихтисослашган туманларда 5 тадан маҳаллада аҳоли хонадонларига кооперация усулида чорва моллари етказиб беришни йўлга қўйсин;

жорий йил 1 июнга қадар Тахиатош ва Беруний туманларида 53 та маҳаллада аҳоли хонадонларига 100 бошгача хонаки парранда тарқатилишини ташкил қилсин;

жорий йилда 21 минг бош қўй ва 8,7 мингта асалари уяларини тарқатиш чораларини кўрсин.

65. Бош вазир ўринбосари Ш.Ғаниев, Сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) Амударё дарёси хавзасида сув миқдорининг меъёрга нисбатан кам бўлиши натижасида дарёнинг қуйи қисмидаги Тахиатош гидроузелининг юқори бьефининг 3,5 км қисмида 2-2,5 метргача лойка чўқиндилар билан тўлиб, сувнинг келиши қийинлашганлиги сабабли ҳамда дарё ўзанидан сув йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида **жорий йил 1 июнга қадар** Тахиатош гидроузелининг юқори бьефида 6 та земснарядларни ишга тушириб, тозалаш ишларини олиб босин.

Молия вазирлиги (Ишметов), Сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев) 6 та земснарядни ишга тушириш ҳамда тозалаш ишларини олиб бориш учун жами 52 млрд.сўм, шундан 2022 йилга зарур бўлган 20 млрд.сўм маблағларни ажратилишини таъминласин.

66. Вилоятлар ҳокимликлари Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 ноябрдаги 80-сон қарори 2-иловасига асосан Қорақалпоғистон Республикасида 2022-2024 йилларда 91 минг гектар майдонга сув тежовчи технологияларни жорий этиш, 4275 та гидротехник иншоотларни реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш ва қуриш, 2,7 минг км узунликдаги ариқлар ва 1,1 минг км зовурларни тозалаш, таъмирлаш, тиклаш ва янги қозиш, 114 та янги насос ва 21 та тик қудуқларни ишга тушириш ишларини ташкил қилсин.

67. Бош вазир ўринбосари Ш.Ғаниев, Сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) **уч ой муддатда** Амударё дельтасидаги қўллар экотизимини яхшилаш, санитар ҳолатини сақлаш ва балиқчиликни ривожлантириш мақсадида Тахиатош гидроузелидан етарли сув ҳажми лимитларини ўтказиб, амалда уни барқарор таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва ижросини ташкил этсин.

68. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов, Сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Абидов), Молия вазирлиги (Ишметов), Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси (Обломуратов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) **уч ой**

муддатда Орол денгизининг қуриган тубида барпо этилаётган яшил қопламаларни асраш, чорвачиликни ривожлантириш ва унинг озука базасини яхшилаш ҳамда хайвонот дунёси учун зарур шароитларни яратиш мақсадида сугориш тизимини барпо этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

Бунда ушбу ишларни бошлаш учун, “Ўзбекнефтгаз” АЖ (Абдуллаев)нинг 4 млрд.сўм, “Олмалик кон металлургия комбинати” АЖ (Хурсанов)нинг 3 млрд.сўм маблағларни ҳамда “Қизилқумцемент” АЖнинг 5 минг тонна цемент маҳсулотини хомийлик маблағлари ҳисобидан ажратиш тўғрисидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин.

Давлат геология кўмитаси (Исламов) **бир ой муддатда** мазкур ҳудуддаги ер ости сувлари, мавжуд артезиан қудуқлардан фойдаланиш ва янгиларини барпо этиш бўйича тахлийий маълумотларни тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

69. Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси (Бакиров), Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси (Обломуратов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) **жорий йилда:**

Орол денгизининг суви қуриган тубида 100 минг гектар майдонда “яшил қопламалар” – химоя ўрмонзорларини, шаҳар ва туманлар марказларида 64 гектар майдонда “яшил боғлар”ни ташкил қилсин;

тез ўсувчи (терак, тол, қайрағоч) ва бошқа дарахтлар плантациясини 100 гектарга етказсин ҳамда сугориладиган ерларни шамол эрозиясидан сақлаш учун 250 гектар ихота дарахтзорларини барпо этсин.

70. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Бўзатов тумани ҳокимлиги (Кайпанов) **жорий йил 1 апрелга қадар** Бўзатов туманидаги чорвачилик йўналишидаги “Бўзатов Симментал” масъулияти чекланган жамият қорамолларининг бош сонига мутаносиб равишда озука етиштириш учун талаб қилинган ер майдонини электрон танловга чиқариш чораларини кўрсин.

71. “Ўзбекчорванасл” агентлиги (Атамуродов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) **бир ой муддатда** ҳар бир туман кесимида чорвачиликда наслчилик ишларини янада яхшилаш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқсин.

72. Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитаси (Шарипов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) **жорий йил якунига қадар:**

ипак қурти озука базасини ривожлантириш мақсадида 6,6 млн.туп тут қўчатлари экилишини;

14 060 кути ипак қурти парваришлаб, 801 тонна пилла хом ашёсини етиштириш, 3,2 млн.долларлик ипак маҳсулотлари экспортини амалга ошириш, соҳада банд бўлган аҳоли сонини 48,5 минг нафарга (2,6 минг нафар доимий ва 45,9 минг нафар мавсумий) етказиш ишларини ташкил қилишни;

10 минг бош қўй ва эчкиларни четдан олиб келинишини ва шундан 7 минг бошни аҳоли хонадонларида кооперация асосида боқишни ташкил қилишни;

жами 11 та лойиҳа амалга оширилишини, жумладан, 2 та гранулали омухта ем ишлаб чиқариш ва 5 та бўрдоқчилик комплекслари ишга туширилишини ташкил этишни;

қоракўлчилик соҳасида банд бўлганлар сонини жами 18 минг нафарга (7 минг нафар доимий ва 11 минг нафар мавсумий) етказишни;

яйловлар ҳосилдорлигини яхшилаш, Бухоро чўл-яйлов озубоқ ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш маркази томонидан Тахтақўпир туманида 200 гектар чўл яйлов озубоқ экинлар уруғчилиги майдонларини ташкил этишни таъминласин.

73. “Ўзбекбаликсаноат” уюшмаси (Мусаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) **жорий йилда** балиқчилик соҳасида 107 млрд.сўмлик 40 та лойиҳани ишга тушириш, жумладан 1 000 та аҳоли хонадони билан кооперацияни йўлга қўйиш ҳисобига, балиқ етиштириш ҳажминини ўтган йилга нисбатан 1,5 баробарга кўпайтириб, 50 минг тоннага етказсин.

74. Сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев), Молия вазирлиги (Ишметов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев) билан келишган ҳолда **икки ой муддатда** “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” лойиҳасининг техник-иқтисодий асосларига тегишли ўзгартиришлар киритилишини ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилишини таъминласин.

Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев) “Бўстон канали қурилиши” объекти бўйича техник иқтисодий асослари тасдиқлангунга қадар молиялаштириш очирилишини таъминласин.

75. Бош вазир ўринбосари Ш.Ғаниев, “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси (Рахматов), Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини бошқариш департаменти (Исроилов) **бир ой муддатда** республикада фаолият юритаётган пахта-тўқимачилик кластерларини 2022 йил ҳосилидан бошлаб, агротехнологик харитасига асосан ҳар йилги ҳосилдорликдан келиб чиққан ҳолда пахта хомаёсини етиштиришни молиялаштириш механизминини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқлаш чораларини кўрсин.

IV. Макрокотисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича

76. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), шаҳар ва туман ҳокимликлари тижорат банклари билан биргаликда **жорий йилда** Қорақалпоғистон Республикасида танланган 19 та оғир маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш ва аҳолиси учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, жойларда

қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш тадбирларини амалга ошириш, аҳоли, айниқса ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, иктисодий ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни ва сервис хизматини яхшилаш мақсадида, тижорат банклари кредитлари ва хомийлик маблағлари ҳисобидан жами 16,4 млрд.сўмлик лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларни ажратиш чораларини кўрсин.

77. Давлат солиқ қўмитаси (Кудбиев), Молия вазирлиги (Ишметов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) тадбиркорлик субъектларига мажбуриятларини бажаришга кўмаклашиш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш орқали 2022 йилда бюджетга 2,1 трлн.сўм даромадларни тушириш чора-тадбирларини ишлаб чиқсин ва ижросини таъминласин.

78. Бош вазир ўринбосари Ж.Кўчқоров, Давлат солиқ қўмитаси (Кудбиев), Молия вазирлиги (Ишметов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артикходжаев) “Тошкент шаҳри тажрибаси” асосида 2022 йилда маҳаллий бюджетга солиқ тушумларини кўпайтириш ҳисобига кўшимча тушумларни Нукус шаҳрида 80 млрд.сўмга ва Эллиққалъа туманида 20 млрд.сўмга етказиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

79. Бош вазир ўринбосари Ж.Кўчқоров, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (Убайдуллаев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Хусанов) ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда **жорий йилда** 6 200 та янги тадбиркорлик субъектини ташкил этиш, 64 минг нафар аҳолининг доимий бандлигини таъминлаш, 11 минг нафарини касб-ҳунарга ўқитишга йўналтиришни таъминласин.

80. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Хусанов), Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (Убайдуллаев) **2022 йил якунига қадар** Чимбой туманида Нукус шаҳар “Ишга марҳамат” мономарказининг филиалини ҳамда туманларда 39 та маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш масканларини ташкил этсин.

Бунда, масканларда ташкил этиладиган касб йўналишлари маҳаллаларга бириктирилган ҳоким ёрдамчиларининг “худуд драйверлари”, “ўсиш нуқталари” ва меҳнат бозори ҳолатини инобатга олган ҳолда берган тавсиялари бўйича шакллантирилсин.

Бу мақсадларни амалга ошириш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан 6 млрд.сўм маблағ ажратилсин.

81. Бош вазир ўринбосари Ж.Кўчқоров, Молия вазирлиги (Ишметов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев) **бир ой муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикасига ажратиладиган 545 млрд.сўм доирасида, 5 млрд.сўмни Қорақалпоқ тиббиёт институти қошидаги клиникани замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш учун ажратсин.

82. Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (Убайдуллаев), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши (Хайтов), Экспортни рағбатлантириш агентлиги (Муродов) **бир ой муддатда** маҳаллаларда аҳоли хонадонлари ва тадбиркорлар томонидан етиштирилаётган ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотишда амалий ёрдам кўрсатиш тизимини жорий қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

83. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов) **жорий йил якунига қадар** Беруний тумани “Бўстон” маҳалласи иссиқхоначиликка ихтисослашганлиги сабабли, маҳалла худудида тадбиркорларни жалб қилган ҳолда иссиқхонага плёнка ва кўчатлар учун ёғоч таралар ишлаб чиқаришни йўлга қўйсин.

84. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) **ўн кун муддатда** Нукус шаҳри ва бошқа туманларда яшаётган аҳолининг хақиқий сонидан келиб чиқиб, ун маҳсулотлари ажратиш лимитига қўшимчалар киритиш масаласи мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқсин.

85. Давлат активларини бошқариш агентлиги (Ортиқов)нинг Қўнғирот туманида “Ёшлар маркази”, “Амфитеатр” ва “Маънавият ва маърифат” маркази қуриш учун Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасидан 15 млрд.сўм маблағ ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

V. Саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари бўйича

86. Давлат геология қўмитаси (Исламов):

углеводород хом ашёсини излаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси худудида **2022 йил якунига қадар** 2,5 минг км 2Д ва 2,1 минг кв км 3Д сейсмоқидирув ишларини амалга ошириб, янги нефть ва газга истикболли конларни аниқласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) билан биргаликда **бир ой муддатда** худудда фойдаланилмаётган 60 та норуда фойдали қазилма объектларини янги механизм асосида “E-IJRO AUKSION” орқали ташаббускорларга таклиф этсин.

87. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Қонлиқўл тумани ҳокимлиги (Ибрагимов), “Ўзбекнефтгаз” АЖ (Абдуллаев) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги ПҚ-4889-сон қарорига мувофиқ “Ўзбекнефтгаз” АЖ хомийлик маблағлари ҳисобига қурилаётган Қонлиқўл тумани “Бўстон” ОФЙдаги 180 ўринли умумтаълим мактаби, “Бескўпир” ОФЙдаги 150 ўринли ва “Арзимбетқум” ОФЙдаги 60 ўринли мактабгача таълим ташкилотлари қурилиши ишларини **жорий йил 1 сентябрга қадар** якунлаш ва уларни тегишлилиги бўйича Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги балансларига ўтказилишини таъминласин.

Халқ таълими вазирлиги (Саидов), Мақтабгача таълим вазирлиги (Шин) мазкур объектларни балансга қабул қилиб олиш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

88. “Ўзкимёсаноат” АЖ (Мирзамаҳмудов) **икки ой муддатда** поливинилхлорид (ПВХ) ва каустик сода ишлаб чиқариш лойиҳаларининг техник-иктисодий асосларини ишлаб чиқсин.

89. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Давлат активларини бошқариш агентлиги (Ортиқов) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), “Ўзкимёсаноат” АЖ (Мирзамаҳмудов) мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** “Кўнгирот сода заводи” ҚК МЧЖда кальцийланган сода ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида 10 фоиз кафолат маблағини махсус ҳисоб рақамига қўймасдан:

жамиятга туташ ҳудуддан 40 гектар ер майдонини ажратиш;

“Борсакеммас” туз кони ёнидан тузни қайта ишлашда ҳосил бўлган чиқиндиларни ташлаш учун 5 гектар ер майдонини ажратиш;

Қораўзак тумани “Кўйбоқ” ОФЙ ҳудудида жойлашган “Джамансай” оҳақтош конига 3,5 км сув қувурини тортиш учун ер майдони ажратиш чораларини кўрсин.

90. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Энергетика вазирлиги (Султанов), Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев), “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров), “Худудий электр тармоқлари” АЖ (Мустафоев), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (Хасилов), “Худудгазтаъминот” АЖ (Эшмуратов) **2022 йил якунига қадар** “Кўнгирот сода заводи” ҚК МЧЖда кальцийланган сода ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш инвестиция лойиҳасининг техник шартлари асосида ва белгиланган молиялаштириш манбалари доирасида йўл-транспорт ва ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари билан таъминлаш бўйича асосланган таклифларни тааллуқли вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

91. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), “Ўзкимёсаноат” АЖ (Мирзамаҳмудов), “Кўнгирот сода заводи” ҚК МЧЖ (Мустафоев) **икки ой муддатда** “Кўнгирот сода заводи” қўшма корхонасида кальцийланган сода ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида кейинчалик корхона ишчилари томонидан турар жой сифатида фойдаланиш мақсадида, қурувчилар учун вақтинчалик турар жойлар объектларини қуриш учун “Елабад” посёлкасида 18,5 гектар ер майдони ажратилишини таъминласин.

92. “Ўзкимёсаноат” АЖ (Мирзамаҳмудов), “Кўнгирот сода заводи” ҚК МЧЖ (Мустафоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев)нинг Кўнгирот тумани “Елабад” посёлкасида “Янги Ўзбекистон” массивини барпо этиш ҳамда **2022 йилда 10 та ва 2023 йилда 10 та** кўп қаватли уйлар қуриш тўрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) **икки ой муддатда** “Елабад” посёлкасида “Янги Ўзбекистон” массивини барпо этиш учун зарур ер майдонини белгиланган тартибда ажратилишини таъминласин.

Бунда, “Янги Ўзбекистон” массивини барпо этиш, шу жумладан, ташқи йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари учун “Кўнгирот сода заводи” ҚК МЧЖ буюртмачи сифатида белгилансин ҳамда молиялаштириш манбалари 2021 йил якунига кўра олган соф фойдасидан 40 млрд.сўм ва қолган қисмини қимё саноати тармоқ корхоналарининг 2021 йил якуни бўйича прогноз кўрсаткичларидан ортиқ олинган соф фойдасининг бир қисмини ажратиш ҳисобига шакллантирсин.

93. Энергетика вазирлиги (Султанов), Молия вазирлиги (Ишметов), “Иссиқлик электр станциялари” АЖ (Абдурахманов)ларнинг:

Шуманай тумани, “Таза базар” МФЙ ҳудудида жойлашган “Кутубхона” объектини **жорий йил якунига қадар** “Тахиатош ИЭС” АЖнинг хомийлик маблағлари ҳисобидан тўлиқ қуриб битказиш ва фойдаланишга топшириш;

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ ташаббусига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги ПК-3264-сон қарори асосида фойдаланишга топширилган “Тахиатош ИЭС” АЖ балансидаги “Амбулатория диагностика маркази”ни Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги балансига қонунчиликда белгиланган тартибда “Иссиқлик электр станциялари” АЖдаги давлат улушини камайтириш ҳисобига бериш бўйича таклифларига розилик берилсин.

94. Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш, жумладан, табиий газ билан кафолатли таъминлаш мақсадида:

Энергетика вазирлиги (Султанов), “Худудгазтаъминот” АЖ (Эшмуратов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) билан биргаликда табиий газ таъминотини қайта тиклаш имконияти мавжуд 16 та туманда (68 та маҳаллаларда) истиқомат қилувчи 13 661 та аҳоли хонадонлари **жорий йил якунига қадар** табиий газ таъминотига тўлиқ ўтказилишини таъминласин.

Бунда, аҳоли хонадонларининг газ таъминоти тизимини 2 босқичли тизимга ўтказган ҳолда 32,6 км газ қувурларини таъмирлаб, янги замонавий газ ҳисоблагичлар ўрнатсин ҳамда қўшимча табиий газ ҳажмлари ажратилсин;

Энергетика вазирлиги (Султанов), “Худудгазтаъминот” АЖ (Эшмуратов) **жорий йил 1 ноябрга қадар** аҳоли хонадонларини куз-қиш мавсумида барқарор табиий газ билан таъминлаш мақсадида, 45 км газ қувурларини жорий таъмирлаб, реконструкция қилинишини таъминласин;

“Худудгазтаъминот” АЖ (Эшмуратов) Қорақалпоғистон Республикасининг иқлим шароитини инобатга олган ҳолда, 2022-2023 йиллар давомида авария-диспетчерлик хизмати учун 17 та махсус автотранспорт воситаларини харид қилиб, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўрсин.

95. Энергетика вазирлиги (Султанов), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (Воитов, Рустамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев)нинг Республика иқтисодиётида базавий тармоқларнинг улушини ошириш ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш мақсадида “Sanoat Energetika Guruhi” МЧЖ ва “Loriard (CY) Limited” ҳамда улар томонидан жалб қилинган инвесторларнинг қуйидаги лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

Қорақалпоғистон Республикасини Қораўзак тумани ҳудудида жойлашган “Тебинбулок” конини ўзлаштирилиши ҳамда **2022-2025 йилларда “Қораўзак”** махсус саноат зонаси ҳудудида кон-металлургия комплекси ва бойитиш фабрикасини қуриш;

“Темиркон” кони захиралари ҳажмини аниқлаш бўйича геология-кидирув ишлари натижалари ҳамда лойиҳани амалга оширишни мақсадга мувофиқлигини дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар асосида Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги “Темиркон” конини ўзлаштириш ва **2022-2025 йилларда “Темиркон”** махсус саноат зонаси ҳудудида тоғ-кон комплекси ва бойитиш фабрикасини қуриш;

2022-2025 йилларда “Ғаллаорол” махсус саноат зонаси ҳудудида металлургия комплексини қуриш.

96. Энергетика вазирлиги (Султанов), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (Воитов, Рустамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев) **икки ой муддатда Қораўзак тумани** ҳудудида металлургия соҳасига ихтисослашган “Қораўзак” махсус саноат зонаси, Фориш тумани ҳудудида тоғ-кон саноатига ихтисослашган “Темиркон” махсус саноат зонаси ҳамда Ғаллаорол туманида металлургия соҳасига ихтисослашган “Ғаллаорол” махсус саноат зонасини ташкил этиш чораларини кўрсин ҳамда ушбу махсус саноат зоналарини ташкил этишни ва тегишли лойиҳаларни амалга оширишнинг асосий шартлари ва механизмларини белгилашни назарда тутган тегишли қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

VI. Ижтимоий соҳани ривожлантириш ва ёшлар масалалари бўйича

97. Мактабгача таълим вазирлиги (Шин), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) **жорий йил якунига қадар** давлат, давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим ташкилотларини ҳамда бошланғич таълимга мажбурий бепул тайёрлов гуруҳларини ташкил этиш орқали қамров даражасини 80,1 фоизга етказилишини таъминласин.

98. Мактабгача таълим вазирлиги (Шин), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Тошқулов) 2022/2023 ўқув йилида олий таълим муассасаларининг “Мактабгача таълим” йўналиши битирувчиларини мактабгача таълим ташкилотларига жалб этиш чораларини кўрсин.

99. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) **жорий йил якунига қадар** Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларига бириктирилган вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда

3-7 ёшли болаларни овқатлантириш сифатини ошириш мақсадида давлат мактабгача таълим ташкилотларининг ичимлик сувига филтёр ўрнатилишини таъминласин.

100. Мактабгача таълим вазирлиги (Шин) **икки ой муддатда Тўртқўл туманида** 3-7 ёшли болаларни соғлом овқатлантириш бўйича тажриба-синов тарикасида “Кейтринг” асосида овқатлантириш тизимини ташкил этиш чораларини кўрсин.

101. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Мактабгача таълим вазирлиги (Шин), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Молия вазирлиги (Ишметов), Қурилиш вазирлиги (Закиров) таъмирлашга муҳтож 73 та мактабгача таълим ташкилотларини 2022-2026 йиллар давомида таъмирлаш юзасидан режа-жадвални **икки ҳафта муддатда** ишлаб чиқиб, ижросини таъминласин.

102. Халқ таълими вазирлиги (Саидов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Молия вазирлиги (Ишметов) билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикасида навбатлилик коэффиценти 2 дан юқори бўлган мактабларга қўшимча бинолар қуриш ҳамда Хўжайли туманидаги 3-сон ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатига 150 ўринли ётоқхона, 6-сон сколиоз билан касалланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг ўқув биносини таъмирлаш, қўшимча 96 ўринли ўқув биноси, 75 ўринли ётоқхона ва сузиш хавзаси (бассейн) қуриш ишларини 2022 йил ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш дастури доирасида жорий йилда иқтисод қилинадиган маблағлар ва кейинги йиллар дастурларини шакллантиришда инобатга олсин.

103. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артикходжаев) Нукус шаҳри инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли учун қулай шарт шароитлар яратиш, маҳаллаларда қурилиш, ободонлаштириш ишларини олиб бориш ҳамда шаҳар аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларига Тошкент шаҳри бириктирилгани маълумот учун қабул қилинсин.

Бунда, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қуйидаги харажатларни молиялаштирилиши инобатга олинсин:

Нукус шаҳрининг навбатлилик коэффиценти юқори бўлган “Телеўрай” маҳалласидаги 7-мактабга туташ ҳудудда 400 ўринли ва “Шимбой гузари” маҳалласида 400 ўринли янги мактаб биноларини қуриш;

Нукус шаҳри “Алланиёз қахрамон” маҳалласида жойлашган 8-мактаб учун ошхона, фаоллар залини қуриш ҳамда мактабнинг футбол майдончаси таъмирлаш;

Нукус шаҳридаги аҳоли энг оғир 38 та маҳалла фуқаролар йиғини биноларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун ҳар бирига 200 млн.сўмдан жами 7,6 млрд.сўм маблағлар ажратилишини;

Нукус шаҳрида “Бокспарк” лойиҳасини амалга ошириш харажатларини молиялаштириш;

Нукус шаҳрида 2022 йилда ёшлар орасида беш ташаббус форумини ташкил этиш ишларини молиялаштириш;

Нукус шаҳри “Дўстлик” канали бўйида истироҳат боғи ва мусикали фавворани реконструкция қилиш, очиқ амфитеатр қуриш, чархпалак аттракционини қуриш, атрофдаги кўчаларга ташки ёритиш мосламаларини ўрнатиш, болалар ўйингоҳлари, “Воркаут” майдончалари, велосипед ва пиёдалар йўлакларини қуриш, кўп қаватли уйлар фасадларини таъмирлаш, ободонлаштириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш, маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчиларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, бошқа амалга оширилаётган зарурий чора-тадбирларни молиялаштириш.

104. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артикходжаев) Нукус шаҳри аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида 179 нафар беморларни Тошкент шаҳрида даволаш ҳамда Нукус шаҳри ёшлар орасида “Nukus Talents” лойиҳасини амалга оширишни ҳомийлик асосида ташкил этсин.

105. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Халқ таълими вазирлиги (Саидов) **жорий йил 1 сентябрга қадар** Амударё туманидаги 55 ва 76-сон мактабларга 330 ва 360 ўринли қўшимча бино қуриш ишларини Қорақалпоғистон Республикасига қўшимча ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилишини таъминласин.

106. Халқ таълими вазирлиги (Саидов) **жорий йил якунига қадар** Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида малака тоифасига эга бўлмаган ўқитувчиларнинг “Ўзлуксиз касбий таълим” платформаси орқали малакасини ошириш чораларини кўрсин.

107. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (Ходжаев) **бир ой муддатда** Нукус шаҳридаги 10-сон ихтисослаштирилган кўзи ожизлар мактаб-интернатига “Ўзбекистон” нашриётидан Брайль алифбосида матбаа-ноширлик кўникмаларини ўргатиш ва чоп этишга кўмаклашиш мақсадида малакали мутахассисларни жалб қилиш чораларини кўрсин.

108. Халқ таълими вазирлиги (Саидов) **жорий йил якунига қадар** Қорақалпоғистон Республикасидаги жами 74 та умумтаълим мактабларида замонавий ўқув компьютер синфхоналарини ташкил этсин.

Бунда:

ишлаб чиқилган манзилли рўйхатга асосан 74 та умумтаълим мактабларини замонавий ўқув компьютер қурилмалари билан жиҳозлаш ишларини амалга ошириш;

ўқувчиларнинг қобилиятини юзага чиқариш, бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган “бешта муҳим ташаббус” доирасида ахборот технологиялари тўғрақлари фаолиятини янада ривожлантириш, уларни зарур восита ва жиҳозлар билан тўлиқ таъминлаш;

Эксимбанк (Жанубий Корея) кредит маблағларининг иқтисод қилинган 8,3 млн.доллар маблағи ҳисобидан 720 та умумтаълим муассасаларини компьютер синфи тўпламлари билан таъминлаш ишлари амалга оширилсин.

109. Халқ таълими вазирлиги (Саидов)га кўзи ожиз болалар мактаб-интернатлари учун Брайль ёзувида дарсликларни чоп этиш эҳтиёжи юқори эканлиги, ҳамда бу форматдаги дарсликларни чиқариш имконияти мавжуд бўлган нашриётлар сони чекланганлигини инобатга олиб, Брайль дарсликларини чиқариш имкониятига эга нашриёт-матбаа корхоналари билан Молия вазирлиги томонидан декларация қилинган нархлар асосида тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилсин.

110. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Халқ таълими вазирлиги (Саидов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев) **жорий йилда** Шуманай туманидаги 28 ва 32-сон умумтаълим мактабларини бирлаштирган ҳолда, ушбу мактаблар негизида янги умумтаълим мактабини ташкил этиш ҳамда мактаб биносини замонавий талаблар асосида реконструкция қилиш ва янги спорт зал биносини қуриш юзасидан зарур чораларни кўрсин.

111. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Тошқулов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) олий таълим муассасалари ректорлари билан биргаликда **жорий йил 1 сентябрга қадар:**

олий таълим муассасаларини тармоқ корхоналари билан боғлаш бўйича тизимли ишларни ташкил этсин;

тармоқ корхоналарида талабалар амалиётини ташкил этиш ҳамда бўш иш ўринларига битирувчиларни ишга жойлаштириш чораларини кўрсин;

кафедра ўқитувчиларининг корхоналарда амалий тадқиқотлар ўтказишига шароит яратиб берсин.

112. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Тошқулов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) **жорий йил 1 сентябрга қадар** республиканинг шимолий ҳудудларидаги ёшларни олий таълимга қамраб олиш мақсадида Чимбой, Тахтақўпир, Қораўзак, Бўзатов, Мўйнок туманларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозларини инобатга олиб, Қорақалпоқ давлат университети балансида бўлган Чимбой туманида жойлашган собиқ “Қизил ўзек” кишлоқ хўжалиги коллежи негизида университетнинг Чимбой факультетини ташкил этсин ҳамда 2022/2023 ўқув йили учун мазкур факультетга алоҳида қабул квотаси ажратиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

113. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев) **икки ой муддатда** Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппаратининг ташкилий тузилмасида мавжуд штат бирликлари доирасида Орол бўйи минтақасида тиббий хизматга масъул бўлган вазирнинг биринчи ўринбосари янги лавозими жорий этилишини таъминласин ҳамда ушбу лавозимга тажрибали ва малакали номзод юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

114. Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков, Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) Қурилиш вазирлиги (Закиров) билан биргаликда халқаро молия институтлари ҳамда махсус жамғармага келиб тушган маблағлар ҳисобидан **2022 йилда** Нукус шаҳрида болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш ва аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази биносини янгидан қуриш ва унинг негизида “Тиббиёт кластери”ни ташкил этилишини таъминласин.

Қурилиш вазирлиги (Закиров), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артикходжаев) ушбу марказ қурилишига хорижий илгор лойиҳачиларни жалб қилган ҳолда, қисқа муддатда қурилиш ва жиҳозлаш ишларини бошласин.

Тиббиёт кластерини ташкил этишда қуйидагилар назарда тутилсин:

Республика болалар кўп тармоқли марказий шифохонаси учун камида 250 шифо ўринли янги бино барпо этиш ва уни жиҳозлаш, шунингдек мазкур шифохонада **Нукус шаҳридаги болалар стоматология поликлиникасини** жойлаштириш;

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий перинатал маркази биносини капитал таъмирлаш;

Қорақалпоғистон тиббиёт институти клиникаси, Перинатал маркази, Скрининг маркази, Болалар стоматология поликлиникасини “Тиббиёт кластери” таркибига киритиб, ягона бошқарувни йўлга қўйиш.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Абидов, Вафаев) Тиббиёт кластерини ташкил этишда қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган таклифларига мувофиқ донор давлатлар, халқаро жамғармалар, молия институтлари, хайрия жамғармалари ва бошқа хорижий ҳамкорларнинг зарур маблағларини биргаликда жалб қилишни таъминласин.

115. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) билан биргаликда **уч ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Фтизиатрия ва пульмонология марказининг бўлимларини Ҳарбий горнизондаги коронавирус касаллиги билан касалланган беморларни даволаш учун ташкил этилган махсус шифохонага кўчириб ўтказиб, шифохона ҳудудига кириш учун ҳарбий қисмдан алоҳида йўл очиш ҳамда Фтизиатрия ва пульмонология марказининг бўш қолган биносини Нукус тиббиёт институтига ётоқхона сифатида фойдаланиш учун берилишини таъминласин.**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев) **2022 йил 1 сентябрга қадар** ушбу ётоқхона биносини институтнинг ўз маблағлари ҳисобидан таъмирлаб, фойдаланишга топширсин.

116. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) билан биргаликда **уч ой муддатда** коронавирус инфекцияси карантин зоналари ташкил этилган контейнерлардан фойдаланган ҳолда 57 та олис ва чекка ҳудудлардаги аҳоли яшаш пунктларида **“Маҳалла тиббиёт пунктлари”**ни ўрнатсин.

Молия вазирлиги (Ишметов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев) **бир ой муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикасига ажратиладиган 545 млрд.сўм доирасида, 5,985 млрд.сўмни “Маҳалла тиббиёт пунктлари”ни барпо этиш учун ажратилишини таъминласин.

117. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) билан биргаликда:

жорий йилдан бошлаб юрак-қон томир ва эндокрин касалликларни эрта аниқлаш учун, 40 ёшдан ошган 540 мингдан зиёд аҳолини скринингдан ўтказилишини, 792 нафар оилавий шифокор ва 2 820 нафар ҳамширанинг малакаси оширилишини таъминласин;

жорий йилда тиббиёт муассасаларини 14 млн.долларлик 2,5 мингдан ортиқ тиббий асбоб-ускуналар билан, Қўнғирот, Тўртқўл, Чимбой туманлари шифохоналарини компьютер томограф, ультратовуш диагностикаси ускунаси, ракамли рентген, Нукус шошилич тиббиёт марказини ангиограф, Чимбой, Беруний, Қўнғирот ва Кегейли туманлари перинатал марказларини наркоз аппарати ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

118. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев) Молия вазирлиги (Ишметов) билан биргаликда **2022 йил 1 июлдан бошлаб**, Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудларидан Қорақалпоғистон Республикасининг узок шимолӣ туманларига бориб ишлайдиган шифокорларнинг ойлик иш ҳақига 100 фоиз, Мўйноқ туманида ишлайдиган шифокорларнинг ойлик иш ҳақига эса 200 фоиз устама тўлаш жорий этилишини таъминласин.

119. Маданият вазирлиги (Назарбеков), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **жорий йил май ойидан бошлаб** йил давомида Қорақалпоғистон Республикасининг ўзига хос урф-одатлари, анъана ва қадриятлари, бахши, жиров, дostonчилик, ракс, амалий санъат ва миллий хунармандчилигини аҳоли, айниқса, ёш авлодга кенг тарғиб этишга қаратилган **мамлакатимиз бўйлаб “Қорақалпоқ маданияти кўнлари” байрам тадбирларини ўтказсин.**

120. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Маданият вазирлиги (Назарбеков) **бир ой муддатда** маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббуслари билан ўтказиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирлари учун жалб этиладиган маданият ва санъат муассасалари хизматларини молиялаштириш учун ҳар бир ташкилот томонидан махсус йиллик календарь режалар тасдиқлинишни таъминласин.

121. Маданият вазирлиги (Назарбеков), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Молия вазирлиги (Ишметов) 2018-2019 йилларда қурилиб, жиҳозланмаган Мўйноқ туманидаги 2-сон, Эликкальба туманидаги 23-сон, Хўжайли туманидаги 4-сон, Чимбой туманидаги 24-сон болалар мусика ва санъат мактаблари ҳамда Опера ва бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернатини параметрлар асосида дастур доирасида мусика чоғуларини билан таъминлаш чораларини кўрсин.

122. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат активларини бошқариш агентлиги (Ортиқов) ўз ҳудудларидаги маданият соҳасига тегишли бўлган объектлар ва ер майдонларини Ўзбекистон Республикасининг “Маданий фаолият ва маданият

ташкilotлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 январдаги 30-сон қарорига асосан Маданият вазирлигининг розилигисиз ушбу соҳалардан ташқари бошқа мақсадлар учун юридик ва жисмоний шахсларга берилмаслигини ҳамда сотиб юборилмаслигини таъминласин.

123. Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси (Куранбаев, Жўраев, Саъдуллаев) **бир ой муддатда** ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида китобхонлик, маданият ва санъат, интеллектуал ўйинлар, ахборот технологиялари, спорт турлари бўйича беш босқичли “**маҳалла – сектор – туман – вилоят – республика**” босқичларида “Беш ташаббус олимпиадаси” ўтказилишини йўлга қўйсин.

Бунда, “Беш ташаббус олимпиадаси” тизимли равишда **ҳар йили икки маротаба ўтказилиши, ғолиблар 30 июнь – “Ёшлар кўни” арафасида ҳамда декабрь ойида “Ёшлар форуми” доирасида тақдирланиши** инobatга олинсин.

124. Ёшлар ишлари агентлиги (Саъдуллаев) мутасадди вазирликлар ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан қуйидагиларни Қорақалпоғистон Республикаси тажрибаси сифатида амалга ошириш, кейинчалик республиканинг барча ҳудудларида жорий этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин:**

ёшларни замонавий касб, “Ай-Ти” ва хорижий тилларга ўқитиш бўйича олти ойгача муддатли ўқув курслари учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги олти ойгача муддатли ўқув курслари учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги олимпиада, танлов ва мусобақаларнинг маҳаллий босқичларида қатнашиш харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача ҳамда халқаро босқичларида қатнашиш харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш;

мамлакатдаги профессионал ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг тўлов-контракт суммасининг 50 фоизигача қисмини қоплаш учун - **базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача** миқдорда субсидия ажратиш;

ёшларни таълим, маданият ва санъат, спорт, “Ай-Ти” ва фанларни ўқитишга ихтисослашган ўқув марказларининг **уч ой муддатгача** ногурур жой ижара харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 бараваригача** миқдорда субсидия ажратиш.

125. Ёшлар ишлари агентлиги (Саъдуллаев), Маданият вазирлиги (Назарбеков), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) **2022 йил май ойида** Бўзатов тумани ва Нукус шаҳарларида “Республика ёшлар овози” фестивали ўтказилишини ташкил қилсин.

Бунда мазкур танловга юқори даражада тайёргарлик кўриб, республиканинг барча ҳудудларидан санъаткорларнинг (жумладан, анъанавий ижро, бахши, этрада ва опера йўналишида) иштирокчини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) “Республика ёшлар овози” фестивалининг якувий босқичига доир барча ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин.

Ёшлар ишлари агентлиги (Саъдуллаев) “Ёшлар овози” танловининг финал босқичида 1-ўрин ғолибларига 50 млн.сўм, 2-ўрин ғолибларга 30 млн.сўм, 3-ўрин ғолибларига 20 млн.сўмдан, шунингдек, республика босқичининг қолган барча иштирокчиларига рағбатлантирувчи мукофот сифатида 10 млн.сўмдан бериш чораларини кўрсин.

126. Ёшлар ишлари агентлиги (Саъдуллаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) Қорақалпоғистон Республикасида ҳар йили меҳнат бозорига камида 30 минг нафар ёшлар кириб келишини инobatга олган ҳолда, “Ёшлар дафтари” орқали **жорий йилда** 54 минг нафар ёшларни камраб олиб, уларни касб-хунарга ўқитиш, тадбиркорликка ўргатиш орқали, иш ва даромад манбаи билан таъминлаш чораларини кўрсин.

127. Ёшлар ишлари агентлиги (Саъдуллаев), Спортни ривожлантириш вазирлиги (Икрамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) **жорий йилда** қорақалпоқ ёшларининг спорт билан мунтазам шугулланиши, китоб ўқишига шароит яратиш мақсадида, маҳаллаларда 20 та Ёшлар комплексларини барпо этиш ва фойдаланишга топшириш чораларини кўрсин.

VII. Туризм, жисмоний тарбия ва спорт, инновациялар ва ахборот технологияларини ривожлантириш масалалари бўйича

128. Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (Убайдуллаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Туризм ва маданий мерос вазирлиги (Азамов), тижорат банклари **2022 йилда** Қорақалпоғистон Республикасида туризм соҳасида хизматларни шакллантириш учун оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредит маблағларини ташаббускор тадбиркорлик субъектларининг оилавий меҳмон уйлари, хостел, ўтов лагер, автокемпинг, экоуйлар мажмуаси ва контейнер шаҳарчалар қуриш лойиҳаларига ҳам йўналтирилишини таъминласин.

129. Молия вазирлиги (Ишметов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) **икки ой муддатда** Эллиққалъа туманидаги “Бинокор” маҳалласи “Ақчақўл” ҳудудида туристик рекреацион зона ташкил қилиш ва зарур инфратузилмани (ичимлик суви, йўл, автотурагоҳ, савдо ва кўнгилочар хизматларни яратиш, ободонлаштириш) барпо этиш мақсадида 10 млрд.сўм миқдорда маблағ ажратилишини таъминласин.

Бунда, ушбу маблағнинг 50 фоизи маҳаллий бюджет, қолган 50 фоизи 2022 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун ажратилган Республика бюджети маблағларининг иқтисод қилинган қисми ҳисобидан қопланиши белгилансин.

130. Туризм ва маданий мерос вазирлиги (Абдуҳақимов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Холхўжаев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) билан биргаликда **икки ой** муддатда Қорақалпоғистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантиришни назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқиб, ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

131. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Туризм ва маданий мерос вазирлиги (Азамов) “Хунарманд” уюшмаси (Абдуллаев) билан биргаликда **жорий йил якунига қадар** Чимбой тумани “Кокшиқалъа” маҳалла фуқаролар йиғинида мавжуд хунармандчилик фаолиятини сақлаб қолиш ва қўллаб-қувватлаш учун маҳаллада этно-туризм ташриф объектларини яратиш, зарур инфратузилмани яхшилаш ҳамда туристик маршрутга киритиш чораларини кўрсин.

132. Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳақимов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) Мўйноқ туманига хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтириш, айниқса ички туризмни ривожлантириш мақсадида **жорий йилда**:

“Стихия” электрон мусика фестивали;

Бадий академия (Нуриддинов), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (Саидов), “Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси”, Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси (Умаров) билан биргаликда “Орол ва Мўйноқнинг қайта тикланиши” халқаро рассомлар ва ижодкорлар фестивали ҳамда “99 балиқ таомлари” гастрономик фестивали;

Спортни ривожлантириш вазирлиги (Икрамов) билан биргаликда Мўйноқ туманида “Муулак Rally” автопойгаси ҳамда бошқа халқаро экстремал спорт мусобақаларини ўтказишни ташкил этсин.

133. Туризм ва маданий мерос вазирлиги (Азамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Маданият вазирлиги (Назарбеков), Маданий мерос агентлиги (Нуруллоев), Ўзбекистон мусулмонлари идораси (Холикназаров) **2022 йил сентябрь ойида** Аҳмад Яссавий тариқати давомчиси бўлган Ҳақим ота Сулаймон Боқиргоний таваллудининг 900 йиллигига бағишланган халқаро конференцияни ташкил қилиш ва уни ўтказиш чораларини кўрсин.

134. Маданий мерос агентлиги (Нуруллоев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Фанлар академияси Археология институти билан биргаликда **икки ой** муддатда Қорақалпоғистон Республикасида археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва уни ривожлантириш юзасидан қарор лойиҳасини ишлаб чиқиб, ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Лойиҳада археология объектларини муҳофаза қилишнинг вертикал назорат тизимини ўрнатиш, мобиль гуруҳ фаолиятини йўлга қўйиш, археология мутахассисларини тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, реставрация лабораториясини ташкил қилиш, объектларни консервациялаш, ободонлаштириш, объектларда 3D панжараларни ўрнатиш каби чора-тадбирлар назарда тутилсин.

135. Маданий мерос агентлиги (Нуруллоев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022-2023 йилларда И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва ташриф буюрувчиларга шароит яратиш мақсадида халқаро стандартлар асосида музейнинг 1-блок биносини реконструкция қилиш ва қўшимча 4-5-блок биноларини қуриш бўйича лойиҳаларини **2022 йилда** ишлаб чиқиш ишларини якунласин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Бобоев), Молия вазирлиги (Ишметов) ушбу объектларнинг лойиҳа ишлари учун **жорий йилда** ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида зарур маблағларни ажратсин ҳамда объектда реконструкция ва янги қурилиш ишларини 2023 йилги дастурга киритилишини таъминласин.

136. Спортни ривожлантириш вазирлиги (Икрамов) Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев) билан биргаликда Нукус шаҳридаги “Турон” ўйингоҳини таъмирлаш ва халқаро талабларга жавоб берадиган “Футбол маркази”ни қуриш ишларини келгуси йилда давлат инвестиция дастурига киритсин.

137. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Шерматов) ва Ёшлар ишлари агентлиги (Саъдуллаев)нинг **жорий йилда** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда Мўйноқ тумани тажрибаси асосида ҳудудларда босқичма-босқич “Масофавий хизматлар экспорти марказлари”ни ташкил этиш бўйича таклифлари маъқуллансин.

Бунда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари **жорий йилда** ишсиз ёшлар кўп бўлган ҳудудларда босқичма-босқич “Масофавий хизматлар экспорти марказлари” ва уларга кадрларни тайёрлаш бўйича ўқитиш марказларини жойлаштириш учун IT Park талабларига мос таъмирланган ва узлуксиз электр-энергияси билан таъминланган замонавий бинолар ажратсин;

Ёшлар ишлари агентлиги (Саъдуллаев) **жорий йилда** ҳудудларда босқичма-босқич ташкил этилаётган “Масофавий хизматлар экспорти марказлари” ва уларга кадрларни тайёрлаш бўйича ўқитиш марказларини тегишли замонавий жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда Чет тилларини оммадаштириш агентлиги (Обидов) билан ҳамкорликда талабгор ёшларни чет тилида раван гапиришга ўргатиш чораларини кўрсин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Шерматов) бино ва жиҳоз масаласи ҳал бўлган ҳудудлардан бошлаб босқичма-босқич “Масофавий хизматлар экспорти марказлари” ва уларга кадрларни тайёрлаш бўйича ўқитиш марказларини ташкил қилиб, чет эл бозорларидан буюртмаларни жалб қилиш чораларини кўрсин ва **ҳар чоракда** ушбу топшириқнинг ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб босин.

138. Республика Маънавият ва маърифат маркази (Ҳожиматов) Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (Саидов), Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги (Кўчимов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) билан ҳамкорликда **жорий йил якунига қадар кейинги 5 йил ичида Мўйноқ туманида юз берган тарихий ўзгаришлар ва янгиликлар, бунёдкорлик ишларига бағишлаб Ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тилларида Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан махсус китоб-альбом тайёрлаб, чоп этиш чораларини кўрсин.**

139. Республика Маънавият ва маърифат маркази (Ҳожиматов), Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Холхўжаев), Ташқи ишлар вазирлиги (Комилов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Фанлар академияси (Юлдашев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Тошқулов) тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда 2023 йилда буюқ аждодимиз Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигига бағишлаб “Абу Райҳон Берунийнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси” мавзусида халқаро конференция ўтказилиши бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаб, тасдиқлаш учун киритсин.**

140. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Қурилиш вазирлиги (Закиров), Молия вазирлиги (Ишметов), Республика Маънавият ва маърифат маркази (Ҳожиматов) тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

Қорақалпоғистон Республикасида 2021 йилда Нукус шаҳри, Нукус, Таҳиатош, Мўйноқ туманларида барпо этилиши белгиланган Маънавият ва маърифат масканлари қурилиши ишларини **жорий йил 1 сентябрга қадар** якунига етказсин;

Қўнғирот, Шуманай, Хўжайли, Тахтақўпир, Кегейли, Амударё туманларида қурилиши режалаштирилган Маънавият ва маърифат масканларини **жорий йил якунига қадар** фойдаланишга топшириш чораларини кўрсин.

141. Инновацион ривожланиш вазирлиги (Абдурахмонов) **2022 йилдан бошлаб ҳар йили** Қорақалпоғистон Республикасидаги иқтидорли ёшларнинг инновацион гояларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Бўлажак олим” танлови доирасида камида 10 нафар иқтидорли ёшларнинг илмий гояларини рағбатлантириш чораларини кўрсин.

142. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси (Норқобилов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (Абдурахмонов) **жорий йилда** Нукус туманида ишлаб чиқарилаётган йирик шохли қорамолларни инновацион усулда сунъий уруғлантириш ускунасини Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги чорва насл марказларида жорий этилишини таъминласин.

143. Инновацион ривожланиш вазирлиги (Абдурахмонов), Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Бакиров), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) билан биргаликда **бир ой муддатда** Орол денгизининг қуриган туби тупроқ-иклим шароитига мослаштирилган ўсимликлар майдонларини кенгайтириш, ҳудудда ердан фойдаланиш унумдорлигини ошириш, сув тежовчи ҳамда тузни камайтирадиган технологияларни жорий қилиш мақсадида илғор хорижий тажрибалар асосида чуқур илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда:

“Шўр қорабаргўт” (сведа солончакочая) ўсимлигини Оролбўйи ҳудудида табиий кўпайишини кенгайтириш, ундан чорва моллари учун аминокислоталар, оқсиллар, витаминлар, минераллар ва флавоноидларга бой озуқа-ем тайёрлаш технологиясини яратиш;

Оролқум ҳудуди экологик шароитига мослашган ўсимликларнинг хужайра технологияси асосида янги формаларини яратиш;

“SATREPS-2020” – “Ўзбекистон-Япония” қўшма халқаро илмий лойиҳалар танлови доирасида туз ва қурғоқчиликка чидамли ноанъанавий экинларнинг истиқболли галофитларини етиштириш учун замонавий селекция ва агротехнологияларни ишлаб чиқиш;

Орол денгизининг қуриган қисмида янгидан барпо этилган ўрмон ва яйлов ўсимликларини касалликлардан химоя қилиш агротехнологиясини ишлаб чиқиш назарда тутилсин.

144. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Инновацион ривожланиш вазирлиги (Абдурахмонов) **бир ой муддатда** Нукус шаҳрида “INNO” инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопаркинни ташкил этиш учун ер майдонини ажратиш бўйича тегишли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

145. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев), Инновацион ривожлантириш вазирлиги (Абдурахмонов) **жорий йил 1 августга қадар** Нукус шаҳрида “Ёш олимлар академияси”ни ташкил қилиш мақсадида академияга ажратилган бинони таъмирлаш ва реконструкция қилиш, моддий-техник базасини шакллантириш ишларини якунига етказсин.

VIII. Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича

146. Қорақалпоғистон Республикаси туманларига бириктирилган вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ўзлари бириктирилган ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш, зарур чора-тадбирларни

белгилаш ҳамда аҳолига ҳар томонлама тезкор амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ва қонунчиликда тақикланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиявий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин.

147. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев) Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) билан биргаликда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги 1 та ПЦР лабораториясини ўн кун муддатда Мўйнок туманига етказиш чораларини кўрсин.

148. Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитаси (Шарипов) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев) билан биргаликда бир ой муддатда Мўйнок туманида фойдаланишдан чиққан 121 минг гектар ер майдонларида қорақўлчиликни ривожлантириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

149. Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси (Исламов), Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси (Бакиров)нинг Мўйнок туманидаги ўрмон хўжалигига тегишли бўлган ерларда ўтказилган геология-кидирув ишларида аниқланган минерал ресурсларнинг жойлашган ўрнини давлат захирасига олиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин ва аниқланган минерал ресурслар захиралари "E-IJRO AUKSION" савдосига бир ой муддатда қўйилиши таъминлансин.

150. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Хусанов), "Хуварманд" уюшмаси (Абдуллаев), Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Худайбергенов):

Қорақалпоғистон Республикасидаги 424 та маҳаллаларда ташкил этилган ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда устоз-шогирд анъанаси доирасида жорий йил давомида 16 та йўналишда фуқароларни "Қагақпақ о'nermentler klasteri" МЧЖга жалб қилсин ва Кегейли ва бошқа туманларда саватчиликка ўргатиш ўқув курсларини ташкил этсин;

ўн кун муддатда Кегейли туманида ташкил этилган "Қагақпақ о'nermentler klasteri" МЧЖда сават ва бошқа маҳсулотларни тўқиш учун ишсиз аёлларни жалб қилишни кенгайтириш мақсадида кластер устав капиталига Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 442,8 млн.сўм жалб қилинсин;


Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) билан биргаликда 10 млн. дона инглиз (ива) тол кўчатини экишни ташкиллаштириш мақсадида бир ой муддатда "Қагақпақ о'nermentler klasteri" МЧЖга 100 гектар ер майдонини аукционга чиқарсин ва тижорат банклари кредитларини жалб қилган ҳолда молиялаштиришга кўмаклашиб, туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда барча ҳудудларда корхона марказлари фаолиятини ташкил этиш мақсадида майдони 150 квадрат метрдан кам бўлмаган бинолар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

IX. Баён топшириқлари ижросини таъминлаш ва назорат қилиш бўйича

151. Мазкур баён топшириқларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов, Бош вазир ўринбосарлари (А.Раматов, С.Умурзаков, Ж.Қўчқоров, Ш.Ғаниев, А.Абдуҳакимов, З.Махкамова), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Сариев зиммасига юклансин.


152. Ҳисоб палатаси (Саидкаримов), Адлия вазирлиги (Давлетов), Қорақалпоғистон Республикасига ташриф топшириқлари ижросини мувофиқлаштирувчи Ишчи гуруҳи (Исмаилов) ушбу баён топшириқларининг белгиланган муддатларда сифатли амалга оширилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига мунтазам равишда ахборот киритиб борилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири


 А.Арипов

2022 йил "06" март

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
рахбари

 З.Низомиддинов

2022 йил "06" март





“ТАСҚИЛДАМАН”
Наманган вилоят ҳисобидини
ўзғартириш
С.Султанов
2022 йил

Наманган вилоят маҳаллий бюджетни маблағлари ҳисобидан қўриқилган объектлар бўйича

МАНЗ ИЛИЙ РҲИХАТИ
(Номинанс вилояти Кенешининг 26.07.2021 йилдаги №173-25-06-02-сонли қарори асоси)

№	Объектларнинг номи ва joylashuvi	1	2	3	4	5	6	7	Капитал қўйималарини 2022 йилдаги исетиб олиш				13	14	15	16	17	18	19
									8	9	10	11							
A		1	2	3	4	5	6	7	Капитал қўйималарини 2022 йилдаги исетиб олиш				13	14	15	16	17	18	19
1	Қорақалпоғистон Республикаси Қорۇзақ ОФЙи ҳудудларида янги мактабга таълим ташкилотини биноси қуриш	2022й	Объект	*	*	*	*	*	2 905,038	2 788,688	116,350	Объект							Талнов
2	Қорақалпоғистон Республикаси Қорۇзақ тумани Қутли маен, Ата маен, Қураша ва Есим ОФЙи ҳудудларида янги қурилган 60 ва 120 ўринли мактабга таълим ташкилотини жикозлаш ДЮТ-1	2022й	Объект	44,304 1,396	44,304 1,396	44,304 1,396	44,304 1,396	44,304 1,396	44,304	42,908	1,396	Объект							“МОНАМАДАЛІ SAUDO SANDAT SERVICES” қ.к
3	Қорақалпоғистон Республикаси Қорۇзақ тумани Қутли маен, Ата маен, Қураша ва Есим ОФЙи ҳудудларида янги қурилган 60 ва 120 ўринли мактабга таълим ташкилотини жикозлаш ДЮТ-2	2022й	Объект	634,830 1,400	634,830 1,400	634,830 1,400	634,830 1,400	634,830 1,400	634,830	633,430	1,400	Объект							“МОНАМАДАЛІ SAUDO SANDAT SERVICES” қ.к
4	Қорақалпоғистон Республикаси Қорۇзақ тумани Қутли маен, Ата маен, Қураша ва Есим ОФЙи ҳудудларида янги қурилган 60 ва 120 ўринли мактабга таълим ташкилотини жикозлаш ДЮТ-3	2022й	Объект	118,836 1,396	118,836 1,396	118,836 1,396	118,836 1,396	118,836 1,396	118,836	117,440	1,396	Объект							“МОНАМАДАЛІ SAUDO SANDAT SERVICES” қ.к
5	Қорақалпоғистон Республикаси Қорۇзақ тумани Қутли маен, Ата маен, Қураша ва Есим ОФЙи ҳудудларида янги қурилган 60 ва 120 ўринли мактабга таълим ташкилотини жикозлаш ДЮТ-4	2022й	Объект	42,916 1,396	42,916 1,396	42,916 1,396	42,916 1,396	42,916 1,396	42,916	41,520	1,396	Объект							“МОНАМАДАЛІ SAUDO SANDAT SERVICES” қ.к
6	Қорақалпоғистон Республикаси Қорۇзақ тумани Қутли маен, Ата маен, Қураша ва Есим ОФЙи ҳудудларида янги қурилган 60 ва 120 ўринли мактабга таълим ташкилотини жикозлаш ДЮТ-5	2022й	Объект	28,083 1,396	28,083 1,396	28,083 1,396	28,083 1,396	28,083 1,396	28,083	26,687	1,396	Объект							“МОНАМАДАЛІ SAUDO SANDAT SERVICES” қ.к
7	Қорақалпоғистон Республикаси Қорۇзақ тумани Қутли маен, Ата маен, Қураша ва Есим ОФЙи ҳудудларида янги қурилган 60 ва 120 ўринли мактабга таълим ташкилотини жикозлаш ДЮТ-6	2022й	Объект	14,812 1,396	14,812 1,396	14,812 1,396	14,812 1,396	14,812 1,396	14,812	13,416	1,396	Объект							“МОНАМАДАЛІ SAUDO SANDAT SERVICES” қ.к
8	Қорақалпоғистон Республикаси Қорۇзақ тумани Қутли маен, Ата маен, Қураша ва Есим ОФЙи ҳудудларида янги қурилган 60 ва 120 ўринли мактабга таълим ташкилотини жикозлаш ДЮТ-7	2022й	Объект	37,769 1,396	37,769 1,396	37,769 1,396	37,769 1,396	37,769 1,396	37,769	36,373	1,396	Объект							“МОНАМАДАЛІ SAUDO SANDAT SERVICES” қ.к

№	Объектларнинг номи ва жойлашуви	Қурилиш бошланиш ва фойдаланишга топшириш йили	Лойиха куввати	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошқа харajatлари	01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харajatлари	01.01.22 й. ҳолатига илган йилга ўтувчи объектнинг қиймати (кайта хисоблаш бўлими) қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харajatлари	01.01.22 й. ҳолатига илган йилга ўтувчи объектнинг қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харajatлари	Кампала қўғинмақларни 2022 йилдаги иситиб олиш					2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.22 й. ҳолатига илган йилга ўтувчи объектнинг қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харajatлари	01.01.23 й. ҳолатига илган йилга ўтувчи объектнинг қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харajatлари	Лойиха экспертиза санаси ва рақами	Тендер савдолари тасдиқланган баённома санаси ва рақами	Пурғатчи кўрувчи таъкилот номи
								Жами капиталар қўғинмақлар	ҚМН	Животхонлик	Жами харajatлари	Шу жумладан буюртмачи харajати	Кувват/муддат	Асосий фонд суммаси					
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
9	Корваллонистон Республикаси Қорулук тўқани Қутил мақани, Ата мақани, Қорулга ва Есим ОФЙ худудларида янги қурилган 60 ва 120 ўринли мактабгаъча таълим таъкилотини жикозлаш ЛОТ-8	2022й	Объект	137,043 1,396	137,043 1,396	137,043 1,396	137,043 1,396	137,043		135,647	1,396		Объект				21.06.2022й №47686, 47712, 47717 ва 47723	18.07.2022й №119380	"ШИНАМАДАЛГ SANVO SANOAT SERVICES" ш.к
10	Корваллонистон Республикаси Қорулук тўқани Қутил мақани, Ата мақани, Қорулга ва Есим ОФЙ худудларида янги қурилган 60 ва 120 ўринли мактабгаъча таълим таъкилотини жикозлаш ЛОТ-9	2022й	Объект	16,068 1,396	16,068 1,396	16,068 1,396	16,068 1,396	16,068		14,672	1,396		Объект				21.06.2022й №47686, 47712, 47717 ва 47723	18.07.2022й №119380	"ШИНАМАДАЛГ SANVO SANOAT SERVICES" ш.к
11	Корваллонистон Республикаси Қорулук тўқани Қутил мақани, Ата мақани, Қорулга ва Есим ОФЙ худудларида янги қурилган 60 ва 120 ўринли мактабгаъча таълим таъкилотини жикозлаш ЛОТ-10	2022й	Объект	3,843 1,396	3,843 1,396	3,843 1,396	3,843 1,396	3,843		2,447	1,396		Объект				21.06.2022й №47686, 47712, 47717 ва 47723	18.07.2022й №119465	"ШИНАМАДАЛГ SANVO SANOAT SERVICES" ш.к
12	Корваллонистон Республикаси Қорулук тўқани Қутил мақани, Ата мақани, Қорулга ва Есим ОФЙ худудларида янги қурилган 60 ва 120 ўринли мактабгаъча таълим таъкилотини жикозлаш ЛОТ-11	2022й	Объект	16,458 1,396	16,458 1,396	16,458 1,396	16,458 1,396	16,458		15,062	1,396		Объект				21.06.2022й №47686, 47712, 47717 ва 47723	18.07.2022й №119479	"ШИНАМАДАЛГ SANVO SANOAT SERVICES" ш.к
	Жами							4,000,000	2,788,688	1,079,602	131,710								

Илоҳ: *) Объектнинг қийматида лойиха сирати ҳужжатлари шилди чизилганда сире аниқлик қаринидади

Вилонт ҳоқимлигининг ягона буюртмачи
ижаъининг компанияси директори



Д.Матвусев

МУХОКАМА АХБОРОТИ

“21” ИЮЛ 2022 йил

Наманган.ш

Наманган вилояти ҳудудидаги Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси томонидан 2021 йил “7” июлдаги 22110012119359-сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Қораузак тумани Қутли макан, Ата макан, Қуралпа ва Есим ОФЙ ҳудудидларида янги қурилган 60 ва 120 ўринли мактабгача таълим ташкилотини жихозлаш ЛОТ-8 учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича «MUHAMMADALI SAVDO SANOAT SERVIS»ж.к томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Ташкилоти раҳбари



Д.Матмусаев

ШАРТНОМА № 119359-ж

ТОВАР (МАҲСУЛОТ) ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТУҒРИСИДА

Наманган шаҳри

21 июл 2022 йил

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Буюртмачи" деб юритилувчи Наманган вилоят хокимлигининг Ягона инжиниринг компанияси номидан Низом асосида иш юритувчи компания директори Д.Матмусаев бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи "Мухаммадали Савдо Саноат Сервис" хусусий корхонаси номидан бош директор А. Миразизханов иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 23-24 февраль кунлари Қорақолпоғистон Республикасига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва 25 февраль ўтказилган 16-сонли йиғилиш баёни асосан мазкур шартнома бўйича Қорақолпоғистон Республикаси Қораузак тумани Қутли макан, Ата макан, Қуралпа ва Есим ОФЙ худудларида янги қурилган 60 ва 120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти учун (технологик жихозлар) ЛОТ 8 бўйича узи ишлаб чиқаради ва етказиб, ўрнатиб беради (кейинги ўринларда –"товар (маҳсулот) " деб юритилади), "Буюртмачи" эса уларни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

"Товар (маҳсулот)"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, нархи, шунингдек етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

II. "ТОВАР (МАҲСУЛОТ)" НИНГ СИФАТИ.

2.1 Етказиб бериладиган "товар (маҳсулот)"нинг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликка асосан етказиб бериладиган товар ва моддий-қийматликлар учун белгиланган ГОСТ ва бошқа меъёрларга мувофиқ бўлиши ҳамда сифат сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёни билан тасдиқланиши шарт.

2.2. «Буюртмачи» га "Товар (маҳсулот)" билан бирга : мувофиқлик сертификати нухаси.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Товар (маҳсулот)" «Буюртмачи» ҳисобига транспортда ташилганда "Етказиб берувчи" дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи" дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги "Товар (маҳсулот)" етказиб берилишини талаб қилиш;

Зарур сифатга эга бўлмаган "Товар (маҳсулот)" етказиб берилмаган тақдирда ўз танлашига кўра:

-зарур сифатга эга бўлмаган "Товар (маҳсулот)" шунга ўхшаш "Товар (маҳсулот)" билан алмаштирилишини;

-камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланадиган харажатларини қоплашни;

-баҳосини мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қоплашини "Етказиб берувчи"дан талаб қилиш.

3.2. «Буюртмачи» нинг мажбуриятлари:

Ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган "Товар (маҳсулот)"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. Мазкур шартноманинг умумий баҳоси танлов комиссиясининг (2022 йил 18 июндаги №119359-сонли баённома) қарори билан тасдиқланган маҳсулот қиймати ҚҚС билан 135 646 551 (бир юз уттиз беш миллион олти юз қирқ олти минг беш юз эллик бир) сўмни ташкил этади. 2022 йилда тасдиқланган манзиллий дастурга асосан 135 646 551 сўм маблағ молиялаштириб берилади. Етказиб бериладиган "Товар (маҳсулот)"нинг баҳоси мазкур шартнома иловасида кўрсатилган.

4.2. Маҳсулотни транспортда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатларни "Етказиб берувчи" кўтаради.

Маҳсулот «Буюртмачи»нинг транспорти билан етказиб берилган тақдирда "Етказиб берувчи" транспортда ташиш харажатларини унга қоплайди (идишни ҳам ўз ичига олган ҳолда амалдаги масса бўйича).

4.3. «Буюртмачи» етказиб бериладиган "Товар (маҳсулот)" туркуми суммасининг 30 фоизи яъни 40 693 965 сўм миқдоридан олдиндан ҳақ тўлайди. Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси

имзолангандан сўнг қонунда белгиланган муддатда ичида инвестор томонидан таъминланган маблаг ҳисобидан қолган 70 фоизини узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.

4.4. Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" учун пул утказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади.

V. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

5.3. "Товар (маҳсулот)" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампиди кўрсатилган сана "Товар (маҳсулот)" га ҳақ тўлаш бўйича «Бююртмачи» мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

5.4. «Бююртмачи» нинг розилиги билан "Товар (маҳсулот)" муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва «Бююртмачи» томонидан қабул қилинган "Товар (маҳсулот)" учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган "Товар (маҳсулот)" ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

5.5. «Бююртмачи» муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

5.6. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Товар (маҳсулот)" етказиб берилиши ушбу ассортиментг акирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган "Товар (маҳсулот)" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказиб берилмаган "Товар (маҳсулот)" нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Товар (маҳсулот)" етказиб бериш "Бюджет ташкилоти" нинг олдиндан берилган ёзма розилиги ёки талабномаси бўйича амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

5.7. Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" бевосита «Бююртмачи» нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

6.2. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тулик етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар курсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи «Бююртмачи» га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди. Бирок, бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим, Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларини етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тулик етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

Пеня тўлаш "Етказиб берувчи" ни маҳсулот етказиб беришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.3. Агар етказиб берилган сифати белгиланган стандартларга, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда «Бююртмачи» маҳсулотни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек "Етказиб берувчи" дан сифати зарур даражада бўлмаган маҳсулот қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

6.4. Етказиб берилган товарлар хақини уз вақтида туламаганлиги учун «Бююртмачи» "Етказиб берувчи" га инвестор томонидан молиялаштирилган маблагни молиялаштирилмаганлиги учун утказиб юборилган хар бир кунга кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ булмаган миқдорида пеня тулайди.

VII. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРЗ-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

7.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Бююртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

7.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Наманган туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

IX. АЛОХИДА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

9.2. “Етказиб берувчи” «Буюртмачи» нинг ёзма рухсатисиз, махсулот тайёрлаб етказиб беришни бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

9.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9.4. «Буюртмачи» билан “Етказиб берувчи” ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

9.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди.

9.7. Шартнома газначиликдан руйхатдан утказилгандан сунг кучга киради ва 2021 йил «31» декабргача амал қилади.

X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Буюртмачи»

Наманган вилояти ҳокимлигининг ягона
буюртмачи инжиниринг компанияси

Манзил: Наманган ш. Амир Темур к. 105

Ш.х.в* 400121860144017013990018003

ИНН 204 808 298 ОКЭД 70220

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
газначилиги

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар бош

бошқармаси ҳисоб-китоб касса Маркази

Ягона ғазна х/в 2340 2000 3001 0000 1010

МФО 00014 ИНН 201 122 919

Маъмушев Дилшод Махамматюсупович



К.Тулашев

«Етказиб берувчи»

“Мухаммадали савдо саноат сервис” х/к

Манзил: Наманган.ш Косонсой кўча 34-уй

Банк номи: Агро банк Давлатобод филиали

х/р: 2020 8000 7006 4427 2001


МФО: 00259, ИНН:304162760


Тел: 97-466-60-00. 97-620-00-05

Турдиев Миразиз

М.Ў.

(Имзо)







"УТВЕРЖДАЮ"

Директор ИК ЕЗ Наманганского
областного хокимията

Д.Матмусаев

от " _____ " _____ 20__ г.

ТИТУЛЬНЫЙ СПИСОК СТРОЙКИ

Раздел I. Основные данные по стройке

1. Наименование и местонахождение стройки	Қорақалпоғистон Республикаси Қораузақ тумани Қутли макан, Ата макан, Қуралпа ва Есим ОФЙ ҳудудидларида янги қурилган 60 ва 120 ўринли мактабгача таълим ташкилотини жиҳозлаш ЛОТ-8	
2. Отрасль	Прочие	
3. Инвестор	За счёт местного бюджета	
4. Заказчик	Инжиниринговая компания Наманганского обл.хокимията	
5. Разработчики		
5.1. ТЭО		
5.2. ПСД и/или ТД	ПСД	
5.3. Экспертизы	21.06.2022й	
6. Генеральный подрядчик	"MUHAMMADALI SAVDO SANOAT SERVIS"х.к	
7. Источник финансирования	За счёт местного бюджета	
8. Срок начала и окончания строительства	3-кв 2022 г	
9. Основные показатели стройки	По ПСД	Остаток на 1.01.2022 г.
Мощность (в соответ.единицах измерен.)		0,00
Основные фонды	137,043	137,043
Капитальные вложения	137,043	137,043
Строительно-монтажные работы		
Оборудование, инвентарь	135,647	135,647
Прочие работы и услуги	1,396	1,396
Содержание службы заказчика		

Прогноз на 2022 год в соответствии с согласов. с ММЭС и МФ адресным списком	в договорных ценах (млн.сум)	
Мощность (в соответ.единицах измерен.)		
Основные фонды	137,043	
Капитальные вложения	137,043	
Строительно-монтажные работы		
Оборудование, инвентарь	135,647	
Прочие работы и услуги	1,396	
Содержание службы заказчика		

Раздел II. Поквартальная разбивка прогноза на 2022 год

(в текущих ценах, млн.сум)

	Всего на год	в том числе по кварталам:			
		1	2	3	4
Ввод мощности					
Основные фонды	137,043			137,043	
Капитальные вложения	137,043			137,043	
Строительно-монтажные работы					
Оборудование, инвентарь	135,647			135,647	
Прочие работы и услуги	1,396			1,396	
Содержание службы заказчика					

Подрядчик:
Начальник
"MUHAMMADALI SAVDO SANOAT
SERVIS"х.к



СПЕЦИФИКАЦИЯ

19 июль 2022 йилдаги 119359-ж-сонли шартномага илова

№	Мебеллар номи	Улчов бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси	ККС	Суммаси
1	Утюг электрический 1ф 1.0кВт СКОВОРОДЫ ЭЛЕКТРИЧЕСКАЯ	Шт	4	227 676	910 702	136 605	1 047 308
2	МОДУЛИРОВАНО 1000X800X896; 1Ф; 3,2кВт /ТРАДИЦИЯ-2008/	Шт	4	12 913 043	51 652 174	7 747 826	59 400 000
3	ЭЛЕКТРИЧЕСКИЙ КИПЯТИЛЬНИК АВТОМАТИЗИРОВАННЫЙ 395X410X627; 3Ф; 6,0кВт /КНД-50/	Шт	4	4 582 444	18 329 777	2 749 467	21 079 243
4	ХОЛОДИЛНИК (МОРОЗИЛНИК) 490 л. МОРОЗИЛЬНИК: 116Л ХОЛОДИЛНИК 374 Л; 1Ф;0,4КВТ	Шт	4	2 123 226	8 492 903	1 273 935	9 766 839
5	ХОЛОДИЛНИК (МОРОЗИЛНИК) 215 л. МОРОЗИЛЬНИК: 45Л, ХОЛОДИЛЬНИК ДЛЯ КУХНИ 170Л; 1Ф;0,15КВТ.	Шт	4	2 123 226	8 492 903	1 273 935	9 766 839
6	ХОЛОДИЛЬНИК МАЛОГАБАРИТНЫЙ НЕ МЕНЕЕ 90 Л; 1Ф;0,15КВТ	Шт	4	7 518 766	30 075 063	4 511 259	34 586 323
	ХАММАСИ				117 953 522	17 693 028	135 646 551

«Махсулот етказиб берувчи»

“Мухаммадали Савдо Саноат Сервис”
хусусий корхонаси

Манзил: Наманган ш.

Косонсой кўчаси 34-уй

Х/р: 2020 8000 7006 4427 2001

Банк: "Агробанк" Давлатобод филиали

МФО: 01054; ИНН: 304 162 760; ОКЭД: 43299

Рахбар

М.Д.Турдиев



«Буюртмачи»

Наманган вилояти хокимлигининг ягона буюртмачи
инжиниринг компанияси

Манзил: Наманган ш. Амир Темур к. 105

Ш.х.в* 400121860144017013990018003

ИНН 204 808 298 ОКЭД 70220

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси
ҳисоб-китоб касса Маркази

Ягона ғазна ҳ/в 2340 2000 3001 0000 1010

МФО 00014 ИНН 201 122 919

Рахбар

Д.М.Матмусаев

